



БИРЛАШГАН ЎЗАДИ

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорусь Республикаси, Грузия Республикаси, Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси, Украина давлатлари ички ишлар вазирларининг Киевда бўлиб ўтган учрашувлари жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш йўлида навбатдаги босқич бўлди. Латвия Республикаси билан Эстония Республикаси ички ишлар вазирликларининг делегацияла-

ри кенгаш ишида кузатувчилар сифатида иштирок этдилар.

Кенгаш давомида давлатларда жиноятчиликка қарши курашнинг аҳоли ҳақида ахборотлар айирбошлаш ва ички ишлар идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилишнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш борасида фикр алмашилди.

Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Белорусь Республикаси, Грузия Республикаси, Қозогистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон

Республикаси, Туркменистон, Ўзбекистон Республикаси, Украина, Эстония Республикаси ички ишлар вазирликларининг раҳбарлари наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний оборотида қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақида Битим имзоладилар. Мазкур Битим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган наркотик моддалар тўғрисидаги 1961 йилги ягона Конвенция, психотроп моддалар тўғрисидаги 1971 йилги Конвенция, наркотик моддаларнинг ноқонуний оборотида қарши кураш тўғрисидаги 1988 йилги Конвенция, наркотик воситалар ва психотроп моддалар ишлаб чиқариш, тақлиф

қилиш, эҳтиёж билдириш, уларнинг ноқонуний обороти ва тарқатилиши билан шугулланишга қарши кураш тўғрисидаги 1990 йилги бутунжаҳон ҳаракат дастурида эълон қилинган мақсад ва принциплар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинди.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний оборотида қарши курашнинг келишилган стратегияси ва ҳамкорлик йўлларини ишлаб чиқиш, наркотиклар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олувчи ва фош қилувчи махсус идоралар фаолиятини тақомиллаштириш, наркотик моддаларнинг ноқонуний обороти устидан назорат қилиш бўйича халқаро (Давоми 2-бетда).

Бугунги сонда:

МДХ таркибига кирувчи давлатлар ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг Киевдаги учрашувлари тафсилоти;

Сирғалининг шимол тарафидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси соҳилида 76-73 МРИ рақамли "МАЗ" юк машинасининг ёниб кетиши сабаблари (3-саҳифа);

Ёнгиндан сақлаш ходимларининг шу кундаги фаолиятлари (4-саҳифа);

Тошкент шаҳар ИИБ ходимларининг фоҳишабозликка қарши олиб бораётган курашлари (5-саҳифа) ҳақидаги материаллар ҳамда;

Давлат автомобил назориятида автототранспорт воситаларини қайд этиш, техник қўриқдан ўтказиш, тегишли хужжатлар, ҳайдовчилик гувоҳномалари ва бошқа хизматлар учун янги тўловлар миқдори билан

танишишингиз мумкин.

ДЎСТОНА ТАШРИФ

Туркия ички ишлар вазирининг ўринбосари Сулаймон Оғиз бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигида бўлди. Делегацияни республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Раҳимов қабул қилди.

Учрашув қатнашчилари икки мамлакат ўртасидаги алоқалар мустақамланиб бораётганлигини таъкидладилар. Ўзбекистонда мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ёрдам берувчи қўшма ўзбек-турк корхоналари ишлаб турибди.

— Сизнинг мамлакатингизга борганимизда, — деди Ғ. Раҳимов, — эришган барча ютуқларингизни ўзлаштиришга ҳаракат қиламиз. Ўз навбатида ўзимиздаги ютуқлар ҳақида турк қардошлар билан ўртоқлашамиз.

Масалан, сизларда ташкил этилган полициячилар тайёрлайдиган ўн бир ойлик курслар бизга маъқул бўлди. Биз ҳам Ўзбекистон ИИБ патрул-пост хизмати шахсий таркибини тайёрловчи курс очмоқчимиз.

Меҳмонлар Туркия парламенти турк миллатига мансуб кишилар истак билдирсалар, шу мамлакат фуқароси бўлишлари мумкинлиги ҳақида қарор чиқарганлигини маълум қилдилар. Ўзбекистонда яшаётган меҳсети туркларидан ўн оила Туркияга кетиш истагини билдирди ва уларнинг кўчиб ўтишлари ҳақидаги масала ҳал этилмоқда.

Туркиялик меҳмонлар Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги ходимларини ўз мамлакатларига ташриф буюришга таклиф қилдилар. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

С. МИЛУШЕВ.



Мана шу суратга қараб туриб, беихтиёр ҳассос шоиримиз Ғафур Ғуломнинг: "Кўп қадим йўллардир бу йўллар..." деган мисралари ёдингизга тушади. Чиндан ҳам бу йўлларда не-не фозилу доноларнинг, не-не ботиру Алпомиши замонларнинг қадам излари қолмаган дейсиз. Не-не инсонларнинг муродини ҳосил қилиб, не-не бахтлаларни шодлик ҳамда қувонч мамлакатларига олиб бормаган бу йўллар. Ишқилиб, улар ҳеч қимми бахтсизлигу фалокат қомига тортмасин ҳеч қачон.

Тошкент вилояти ИИБ ДАН бошқармасининг 3-алоҳида ротаси навбатчилик қисми катта инспектори, милиция майори У. Усмонов ҳамда йўл-патрул хизмати назоратчиси, милиция кичик сержанти М. Зокировларнинг ниятлари ҳам, мақсадлари ҳам, вазифалари ҳам шундан иборат.

Суратни Х. ШОДИЕВ олган.

ТРАНСПОРТ МИЛИЦИЯСИДА БИР КУН

ИШОНГАНИМ СЕН БЎЛСАНГ...

Маълумки юкларнинг аксарият қисми темирйўллар орқали ташилди. Бу қулай, ҳам арзон усулдир. Бироқ айрим ҳолларда юкларнинг белгиланган манзилларга тўқис етиб келмаётгани таъкидланди. Яна ҳам афсусланарлиси, мазкур ўғирликлардаги маъсул шахсларнинг иш-тирокдир.

Мана, бир мисол. Шу йилнинг июнида Ғарбий Сибирдан йўлга чиқиб, "Суперфосфат" темирйўл станциясига етиб келган вагонлар таркибиде 5-6163-сонли рефрижератор ҳам бор эди.

Тахминан соат 19ларда беш кишидан иборат босқинчилар гуруҳи рефрижератор секциясига бостириб кирди. Улар ўқотар қуроллар билан қуролланган эдилар. Қароқчилар А. Баранов ва И. Коробкинларга қурол ўқталиб, 20 минг сўмдан ортиқ маҳсулотларни ўмарибгина қолмай, презд хизматчиларининг шахсий буюмларини ҳам гумдон қилишди.

Поезд "Бухоро" станциясига етиб келиши билан А. Баранов ва И. Коробкинлар тармоқ ИИБга мурожаат этишди. Босқинчиларнинг турқитароватларини чишиб бердилар.

"Самарқанд" ва "Бухоро" станцияларининг тармоқ ички ишлар бўлимлари ходимлари олинган маълумотлар бўйича қидирув ишларини бошлаб юборишди.

Бунини қарангки, излар "Суперфосфат" станциясининг вагон кузатувчилари бўлмиш Ш. Баракаев, И. Ражабов, Б. Олимов, А. Назаров, М. Мирзаевларга бориб тақалди.

Тергов давомида гумдондорлар айбларига иқдор бўлибгина қолмай, ўғирланган буюмларни қайтардилар. Сўроқ пайтида уларнинг станцияда ишловчи бошқа хизматчилар билан биргаликда йил давомида кўплаб юкларни талон-тарож этганлиги аниқланди.

Тинтув чоғида юк таркибидан ўғирланган 200 минг сўмдан ортиқ турли қимматбаҳо, камёб маҳсулотлар мусодара қилинди.

Хуллас, мазкур жиноятлар учун 10 дан ортиқ шахс жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Ушбу жиноий гуруҳни фош этишда "Бухоро" станцияси тармоқ ИИБ бошлигининг ўринбосари С. Шарипов, ЖКБ бошлиғи Р. Нуоров, "Самарқанд" станцияси тармоқ ИИБ ЖКБ бошлиғи А. Каримовлар фаол қатнашдилар.

Кези келганда айтиш лозимки, қўйларни бўрига топшираётган темирйўллар, станциялари бошлиқлари ходимларини танлашда сал ҳушёрлигини оширсалар бўлармиди?

М. ДУБКОВА,

Ўрта Осиё темирйўллар нақлиёти ИИБ ходими

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

БОСҚИНЧИЛАР ҲИБСДА

А. билан Д. бекорчиликдан зерикиб, текин пул топиш йўлларини излашди. Бахслаша-бахслаша такси ҳайдовчисини тунашга қарор қилишди. Куппа-кундузи Лисунов кўчасидаги кинотеатр ёнида "ГАЗ-24" белгилли 35-53 ТНБ рақамли таксига ўтириб, ҳайдовчидан "Ғалабининг 40 йиллиги" мавзесига олиб бориб қўйишни сўрашди. Манзилга етиб боргач, босқинчилар ҳайдовчинини пичоқ, отверка билан кўрқитиб, қўнлик даромаддан тушган 1850 сўм пулни тортиб олиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Ҳайдовчи бўлиб ўтган воқеа хусусида милицияга хабар қилди. Босқинчилар қўлга олинди.

НИЯТИ ХОЛИС ЭДИ...

Оқолтин районидеги С. Сиддиқов номли жамоа хўжалигида яшовчи С. яхши ниятлар билан Навоий кўчасидаги дўконни хусусийлаштириб олганди. Бироқ унинг холиси нияти амалга ошмайдиган кўринади. Чунки хусусий дўконга тунда ўғри тушиб, 210 минг сўмлик кийим-кечакларни ўмариб кетди.

Жиноятчи изланмоқда.

ГРАНАТАНИНГ ЭГАСИ ТОПИЛДИ

Қўйичиқ району ИИБ ходимлари навбатдаги оператив-қидирув тадбирларини ўтказишди. Натижада "Огонек" давлат хўжалиғи ишчиси, 1949 йилда туғилган Х. ёнидан "РГМ-2" жанговар гранатаси топиб олинди. У дастлабки кўрсатмасида бу жанговар гранатани ҳамқишлоғи С. берганини айтди.

МЕБЕЛ ЎҒИРЛАНДИ

Оҳангаронда Қўкон темирйўл станциясига келтирилган вагондан жамми 128 минг 774 сўмлик мебел кам чиқди. Ўғирлар қидирилмоқда.

УЛАР АХТАРИЛМОҚДА

Янгиер шаҳридаги Саркисов кўчасида истикомат қилувчи Ю. нинг хонадонига тунда номатълум шахслар кириб, унинг ИИБ рўйхатида бўлган "БМ-162" белгилли 16-калибрли қўшотар милтик, 10 дона ўқ ҳамда 600 сўм пулини олиб кетишган.

ТАФСЛОТИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Бўстонлик районидеги Хўжакент давлат хўжалигига қарашли Бешбодом фермасида чиққан енгин оқибатида 80 тонна пичан (унинг умумий нархи 60 минг сўм) гарами ёниб қулга айланди. Ёнгин тафсилоти ўрганилмоқда.

ИМКОНИАТ ИШГА СОЛИНАЁТИР

Тошкентдаги Олой бозорида шаҳар овчилик

жамиятининг 12-дўкони деворини тунда номатълум шахслар тешиб кириб, беш дона қўшогиз ов милтикларини ўғирлаб кетишган. Мазкур милтиқлар сақлаш қондасига амал қилинмай дўкон ичидаги кўргазмада қолдириб кетилган эди. Бундан ташқари дўкон епигач, у қўриқлаш бўлими ходимларига топширилмаган. Девогешарларга бу қўлайлик яратган.

ИИБ ходимлари жиноятчининг излаб топиш учун имкониятларини ишга солаётирлар.

ҚУРОЛЛИ ЙЎЛОВЧИ

Душанбеда Москвага йўл олган поезднинг бир йўловчиси Қорақўл бекатидаги милиция ходимлари эътиборини ўзига тортди. Унинг хужжатлари, буюмлари текшириб кўрилганда, ёнидан "Макаров" тўппончаси, саккиз дона ўқ топилиди. Ўзининг айтишича, (Тожикистон республикасининг Қўлоб районидеги истикомат қиларкан) бу қуролни жанг майдонидан топиб олган. Қуролли йўловчининг устидан жиноий иш қўзғатилди.

"МЕРГАН"

Н.нинг кўнгли овчиликни тўсаб қолди. Шу мақсадда ов милтиғи харид қилиб олди. Бироқ уни ИИБдан рўйхатдан ўтказишни ўзига эп кўрмади.

Тушликдан сўнг милтиқни елгага осиб юриб, қушлар гулгон қўнган дарахт ёнига бориб қолди. Апил-тапил милтиқни ўқлаб, шохдаги қушларни нишонга олди. Бироқ ўқ қушга эмас, дарахт шохиде ўтирган Бобур номли мактаб ўқувчисининг оёғига тегди. Бола Бешариқ район шифохонасига келтирилди.

Энди Н. уйда берухсат қурол сақлагани ҳамда "мерганлиги" учун қонун олдида жавоб беради.

МЕҲМОН ҲИБСГА ОЛИНДИ

Янгиерлик М. Ширин шаҳридаги таниши У.нинг уйига меҳмонга борди... ва уни тунда зўрлаб, номусига тегди.

Меҳмон ҳибсга олинди.

ҲАМКОРЛИҚДА ҲИКМАТ КЎП

Тошкент вилоятининг Зангиота району ИИБ ва 1-ахлок тузатиш муассасаси ходимлари ҳамкорликда ўтказган навбатдаги тадбирда Садовой кўрганидаги Қорақўлов кўчасидаги хонадондан (у ерда муқаддам судланган Ф. П. яшайди) 686,3 грамм гиехванд модда, спорт милтиғи ҳамда уч дона қўлда ясалган пичоқ топилиди.

Терговни ИИБ олиб бораётир.

М. ТИЛЛАЕВ.

БИРЛАШГАН ЎЗАДИ

(Давоми. Боши, 1-бетда).

мажбуриятларни бажариш мақсадида шартлашаётган томонлар ҳамкорликни амалга оширишнинг бир қатор шакл ва тартибини белгилаб олдилар. Давлатлар миқёсида наркотик моддаларнинг ноқонуний обороти алоқадор аниқ фактлар, ҳодисалар, уларни татиш (жўнатиш) усуллари ва бу ишда фойдаланиладиган яшириш ҳамда ниқоблаш шакллари, ноқонуний оборотда пайдо бўлаётган янги наркотик турлари, уларни тайёрлаш технологияси ҳақида оператив-қидирув, оператив-маълумотнома ва криминалистик ахборотлари, шунингдек ўзаро қизиқиш уйғотадиган бошқа хабарлар айирбошлаш кўзда тутилган. Томонлар наркотик моддаларни бир жойдан иккинчи жойга ноқонуний олиб ўтиш йўллари беркитиш, шунингдек уларни "назорат остида етказиб бериш" ҳоллари бўйича келишилган тадбирлар ўтказиш, таркибда наркотик моддалар

бўлган дори-дармонлар билан расмий равишда давлатлараро савдо-сотиқ қилишни назорат этиш, шунингдек наркотик моддалар тайёрлашда қўлланиладиган ва давлатлараро аҳамиятга молик кимёвий моддалар, материаллар ва ускуналарни назорат қилишда бирга ишлаш борасида шартлашиб олдилар.

Россия Федерациясининг эксперт-криминология маркази асосида ноқонуний савдода бўлган наркотикларнинг ягона мажмуини тузишга келишиб олинди. Ундан шартномада қатнашаётган барча томонлар қўлга туширилган наркотиклар қачон ва қерда тайёрланганлигини аниқлаш, шунингдек керак бўлса "Интерпол"ни хабардор қилиш мақсадида фойдаланадилар. Россия Федерацияси ички ишлар вазирлиги эса наркотикларнинг ноқонуний обороти масалалари бўйича маълумотларнинг компьютер жамғармасини тузиш ва барча томонлар учун ягона, ёпиқ компьютер тизими

яратилишини (маълумотлар жамғармасидаги ахборотлардан фойдаланиш учун ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслигига кафолат берилади) ташкилий жиҳатдан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига олди.

Украина ИИБ билан Ўзбекистон Республикаси ИИБ ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки томонлама Битим имзоланди. Унда учрашувлар ўтказиш, келишмовчиликларни биргаликда ҳал этиш, Битимдан чиқиш тартиблари кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси ИИБ номидан уни ички ишлар вазирлигининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимов имзолади.

Жиноятларни очиш, жиноятчиларни қидириш ва қўлга олиш борасида ички ишлар вазирлигининг ўзаро фаолиятлари тартиби тўғрисидаги Баённома учрашув қатнашчиларига кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Ундаги қоидалар ҳар томонлама муҳокама қилингандан сўнг, ички ишлар

вазирликларининг раҳбарлари мазкур ҳужжатни янада мукамаллаштириш лозим деган ҳулосага келдилар ва уни фуқаровий, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Конвенция имзолангандан сўнг ҳал этишга қарор қилдилар.

Кенгаш Россия Федерацияси ички ишлар вазирлигининг мазкур анжуман қатнашчилари бўлган давлатлар ички ишлар вазирликларида жиноятчиликнинг аҳволи тўғрисида уч ойлик маълумотларни келишилган шаклда тайёрлаш ва юбориш тўғрисидаги ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги учрашувини 1993 йил март ойининг ўрталарида Арманистон Республикасида ўтказишга келишиб олинди. Унда оператив хизмат фаолиятини техника-криминалистика жиҳатдан таъминлаш бўйича мустақил давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битим лойиҳасини муҳокама қилиш кўзда тутилмоқда.

Ш.МАВЛОНОВ,
ИИБ штаба бошлиғи, ички хизмат подполковниги.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

МАРҒИЛОНЛИК Равшан Шодиевни қўрқитиб, минг сўм пулини тортиб олганлар қўлга туширилди. Уларнинг "ниқоб"лари тергов жарёнида бутунлай ечиб ташлагандан кейин ҳақиқий башаралари билан газетамиз орқали танишасиз.

ЗАРКЕНТ сойидан топилган мурданнинг шахси аниқланди. Аммо қўқонлик, 1965 йилда туғилган Раҳмон Сатторовнинг ўлими қайси нокаорга зарур бўлиб қолгани номаълум. Насиб этса Охунбобоев райони ИИБ изкуварлари жавоб топишади.

17 НОЯБРЬ кунги шамолда Бешарик райони пахта даласида электр сими узилиб кетган экан. Беш ёшдан ошган Шукржон Эргашев билмасдан шу симни ушлагану...

Додингизни кимга айтасиз энди!

ОЛТИАРИҚЛИК Эргаш Тешабоев манзилига етиб боролмади. "Жигули" сени Тиллабат Сайдамаев бошқарувидаги трактор аравасига уриб олди, кейин шошилинч шифохонага етказилди.

Аммо тиббий ёрдам бесамар кетди.

ҲАМ КУЛАСИЗ, ҳам куясиз: Фарғонадаги болалар богчасидаги ҳамшира бўлиб ишловчи аёл ўз уйида товламачи тўкиган елгон-яшиқлар тўрига тушиб, 34 минг сўм пулини қўшқўлаб берворди. Ҳар ҳолда соддалиги фош бўлишидан уялмай ИИБ га мурожаат қилганини эшитиб, хайрият дедик.

...ЯЙПАНДАГИ маиший хизмат кўрсатиш корхонасида номуслимга тегди...

Айқободлик аёл Ўзбекистон райони ИИБга шундай мурожаат қилган. Қўқондаги автомобил йўллари техникуми талабасига нисбатан қўйилган даъво асослими-йўқми — терговда маълум бўлади.

Муҳаммадрасул КИМСАНБОВЕ,
милиция майори.

Иномжон Нишонбоев Иброҳим аканинг суюкли фарзанди бўлиши мумкин эди. Ҳар ҳолда барча ота-оналарнинг тилаги каби у кишиники ҳам шундай бўлган. Афсуски, фарзанд ноқобил чикди, ерга топирилган ота номини шарафлашга ярамади.

Иномжон янгийўллик. Шу йилнинг 24 декабрида роппа-роса йигирмага тўлади. Умрининг баҳори энди бошланган палла. Бу ёшдагилар ушлаган жойини узиб олмагунча тинчимайдиган бўлишади. Аммо Иномжонда бу хислат йўқ экан. Йигирмага тўлибдиамки, ҳалигача тузукроқ бир ишнинг этагини тутмабди. Аксинча, валақлаб юриб-юриб,

қарайди, бошқасига "чойхона курамыз" қабилида важ-карсон кўрсатган. Рози бўлмаганларни эса юқоридагидек — ўзинию, ўзига қўшиб қовунини ҳам йўқ қилиб юбориш билан қўрқитган.


Оқибат? Оқибат Иномжон укамиз деҳқонлардан бир мири ҳам ундира олмади. Милиционерлар қўлига тушди. Мана энди рўпарамда — тергов курсисиде бош эгиб ўтирибди. Қилмишларини бўйнига олган. Ўзини айбдор деб билади. Судга оширилиши керак бўлган расмий ҳужжатларнинг ҳаммаси папкада тайёр турибди. Бугун-эрта иши кўриб чиқилади.

Мен эса бошқа нарсдан безовтаман. Иномжоннингку содир қилган жинояти оғир эмас, ҳар ҳолда. Терговчи нуктаи назаридан олиб қараганда шундай. Ахир, мана шу қаршимдаги курсига не-не "азаматлар" ўтиришмаган. Ўғриллар, безорилар, фарибгарлар, қотиллар изи бор бу ўринда. Мен ёки бошқа бир ҳамкасбим уларнинг устидан тергов ишларини олиб борган. Безовталигим шуки, ана шу ашаддийларнинг аксарияти жиноий фаолиятларини худди Иномжон йигитниқидек енгил деб фикр юритилган "майда-чуйдалар" дан бошлаган. "У ёқ" ларнинг об-ҳавосини олиб, кутилиб чиққанларидан сўнг оғирроқларига, оғирларига, даҳшатлиларига қўл уришган. Иномжондек калта ўйлилар эса сон мингта.

Унга нима етишмади. Онаси Анор опанинг айтишига қараганда, акаси билан ҳам жанжаллашмаган экан. Фақат отасининг вафотидан сўнг уйдан чиқиб кетишни одат қилиб олган.

Мавзу бориб-бориб, тарбиянинг сусайиб кетганлигига такалади. Ҳамма ўзини пул топиш йўлига урган. Айримлар топгани ҳалолми-ҳаромми — ўйлаб ҳам кўраётгани йўқ. Бир таъмагир одам товукнинг гўнг титаётганини кўриб, "тирноқ ўстирсамми" деган хаёлга борган экан. Ҳозирги ёшлар ҳам бир-бирларидан андоза олиб, қўллариде намоийшкорона пул ўйнатиб, ноҳалол йўлга кириб кетишмоқда. Ота-оналар эса фарзандларининг топармон-тутармонлигидан хурсандлар. "Болам, бу пулни қандай топдинг?" — деб сўрагучилар кам қолаётти.

Ҳамид ҲАЙДАРОВ,
Акматав Икромов райони ИИБ
терговчиси, милиция капитани.



Суратдаги кичик жуссали, камтарин милиция лейтенанти зиммасига анчагина залворли вазифа юклаганини қўлчилик тасаввур ҳам этолмасе керак. ИИБ ахборот марказида муҳандис-электрончи лавозимида хизмат қилаётган Мухтор Каримов шахсий автомобилларни рўйхатга олиш билан шугулланади.

Дорилфунунда беш йил мобайнида дастурлаштириш соҳасидан олган сабоқларим бугун гоё қўл келмоқда, — дейди унинг ўзи. — Аммо барибир электр-ҳисоблаш машиналари билан ишлаш осон эмас, кишидан муттасил ва мустақил изланишни, билимини ҳамда маҳоратини ошириб боришни талаб этади.

Кундалик хизматим маҳсули эса жиноят-қидирув ҳамда ДАН ходимларига тез-тез асқотаяпти.

Сурат муаллифи Ҳ. ШОДИЕВ.

Олмалиқ шаҳрида вилоят ҳокимлигининг ички ишлар бошқармасига тобе оддий ва кичик бошлиқлар тайёрлашга ихтисослашган мактаб жойлашган. Ҳар йили бу даргоҳда республика миқёсдаги турли бурчакларидан келган 180 дан ошмиқ милиционер-тингловчилар тахсил олишади. Улар 4 ой мобайнида бу ерда билимларини мустаҳкамлагач, ўз ҳудудларига хизматни давом эттиришга юбориладилар.

Ҳаммамизга маълум, ҳозирги тақчиллик ички ишлар вазирлигига қарашли милиция мактабларини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Улар бу муаммоларни қандай ҳал қилишмоқда? Яқинда биз ушбу масканда бўлиб, шарт-шароит билан танишдик. Бу саволга жавоб изладик.

Саҳарда тингловчиларга "подъём" командаси берилгач, улар бир пасда бадантарбия қилиш учун мактаб спорт майдонига тўпландилар.

Машгулотларни тугаллашгач, ювинишга шошилдилар. Сўнгра нонушта, кейин эса машгулот...

— Ҳар доим ишни шундай бошлаймиз, — дейди мактаб бошлиғи, милиция подполковниги Абдумажид ака Шодиев, — тартибни бузишга ҳаққимиз йўқ.

Бошлиқ бизни мактабни кўздан кечиришга тақлиф қилди.

Тингловчилар жисмонан чиниқилари учун спорт майдончаси мавжуд, яқин кунларда улар янги куриб битказилаётган 50 метрлик тир — отиш майдонига ҳам эга

бўладилар. Қиш яқинлашаётган бўлсада, спорт ишқибози бўлган тингловчилар ҳечам ташвишланаётганлари йўқ. Чунки шинамгина спорт зали мунтазам ишлаб турибди.

Бу ердаги иккита

ЖОНКУЯР ЎҚИТУВЧИ

видеоаппарат ҳамда киноаппарат тингловчиларнинг жанговар маҳоратини ва тайёргарлигини оширишда қўл келмоқда. 22 нафар ўқитувчи-ҳодим уларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Айниқса яқинда тузилган "Ўқитувчилар Кенгаши"нинг қилаётган ишлари мактаса арзигулик. Мактабда нимаики бўлмасин, аввал Кенгашда кўрилиб, кейин қарор чиқарилади. Бир оғиз сўз билан айтсак "Ўқитувчилар Кенгаши" бу ерда ҳамма ишга бош-қош.

Тингловчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам чакки эмас.

Бу борада Олмалиқ шаҳар ҳокимлиги ердамларини аямаяпти. Бунга жавобан тингловчилар ҳам ўз навбатида

дарсдан бўш вақтларида Пскент райони "Дўстлик" (илгарги Ленин) жамоа хўжалиги далаларига чиқиб, пахта теришмоқда.

Бир қанча тингловчилар теримда ҳамкасбларига ўрناк кўрсатишгани учун мактаб раҳбарияти томонидан пул мукофоти билан рағбатлантирилиб, иш жойларига ташаккурнома жўнатилди.

Янги бошлиқ илгари шу даргоҳда дарс берган экан, раҳбарлик қила бошлаганига бир йил бўлибди. Унинг давлат тилини севиб, эъзозлашини англаб олиш қийин эмас. Барча машгулотлар ўзбек тилида олиб бориладилар. Ҳар хил йўриқ ва тасдиқномалар, умуман иш юритиш шу тилда амалга оширилган. Очиқ айтиш лозим, ҳали кўп жойларда она тилимизга бунчалик эътибор берилаётгани йўқ.

— Мактабимиз 1971 йилдан фаолият кўрсатаётган бўлса, шунча йил мобайнида бизга мухбирнинг биринчи бор келиши, — дейди Абдумажид ака — Шаронтимиз ёмонмас, кўриб турибсиз, лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас. Абдумажид аканинг куйиб-пишиб гапиришидан сездики, у киши ўз касбининг жонкуяри. Агар шундайлар орамизда кўпайса, ишимизда ўзгариш бўлиши тайин.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

Гилдираклар қай ТОМОНГА ГИЛДИРАДИ?

Сирғалининг шимол тарафидан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси соҳилидан бурқиб осмону фалакка кўтарилаётган қоп-қора тўтун шу яқин орада яшовчиларнинг эътиборини тортди. Кимдир хабар қилди, чоғи, Сирғали райони ИИБ ЖКБ ходимлари етиб келишди. Ениб бўлган 76-73 МРП рақамли «МАЗ» умуман яроқсиз ҳолга келиб қолган эди.

Экспертлар машинада ҳеч қанақа юк бўлмаганини аниқлашди.

«Мордовоавтотранс»га тегишли бу машина хизмат сафари билан Тошкентга келган бўлиши мумкин-дир, лекин ҳайдовчи? Унга нима бўлдикин?

Воқеа жойига етиб келган ходимлардан бири машинанинг давлат рақамини кўриб, ҳайратланиб деди:

— Ие, худди шу автомашинанинг йўқолганлиги ҳақидаги хабарни бугун эрталаб олгандик. Жабрдийда ўзимизнинг районда меҳмон бўлиб турибди-ку.

Уша кунiek жабранувчи В. Диров ИИБга таклиф қилиниб, суриштирув ўтказилди.

— Саранскдаги 1185-автоколоннада шаҳарлараро юк ташувчи ҳайдовчи бўлиб ишлайман, — деб ҳикоясини бошлади Владимир.

Белоруснинг Бобруйск гилдирак заводидан 56800 сўмлик 800 дона гилдирак ва камерани Самарқанддаги эҳтиёт қисмлар марказий омборига олиб келиб топширишим керак эди. Лекин Самарқандда юкни қабул қилишмай, Қўқондаги филиалга жўнатишди. Узоқ йўл эмасми, машинам носозланиб қолганди. Тошкентда уни тузатиб олиб, яна йўлга чиқмоқчи эдим. Иссиқ жон экан, ўзим касал бўлиб қолдим. Тузалиб чиққач, машинани тузатдим. Энди эртага йўлга тушаман, деб турсам, оқшом машинани кимдир миниб кетиб қолибди...

Дастлабки текширув чоғидаёқ «жабрдийда»нинг турли-туман жиноятлари учун уч марта қамалиб чиққани маълум бўлиб қолди. У машина олиб қочиш, ўғирлаб сотиш билан боғлиқ жиноятларга қўл урганди илгари. Демак, воқеа тасодиф эмас.

Вазият Владимирнинг ўзини, қўйган ҳар бир қадамни яхшилаб текшириб кўришни тақозо қиларди. Сирғали райони ИИБ ЖКБ ва тергов ходимлари белни маҳкам боғлаб, ишга киришиб кетишди. Орадан кўч ўтмай рад этиб бўлмас исбот ва далиллар тўпланди.

Воқеа эса қуйидагича бўлган экан.

В. Диров Бобруйск гилдирак заводидан «Ваз» белгили

автомобилларнинг 800 дона гилдирагини юклаб, уларни Самарқандга келтириб бериши керак эди. Йўл қорозда 17 апрелдан 12 майгача у юкни манзилга олиб келиши кўрсатилган. У Оренбург шаҳрига келиб етти кун туриб қолди. Натижада олтита гилдирак ғойиб бўлди. Бу ҳақда Ленин райони ИИБга мурожаат этганлиги маълум. Шундан сўнг Жамбул шаҳрининг «Олма-Ота-Тошкент» айланма йўли бўйлаб келаётган, ярим тунда «Чайқуруқ» пиво павилонига кўзи тушди. У ерда тўхтаб, уч кун қолиб кетди. Пивохонадан ўзига мижоз қидириб топди ва йигирмадан ортиқ гилдиракни сотиб юборди. Бундан ташқари Жамбул йўлида яна 130 та гилдиракни пуллади.

Владимир йўлаб кўрсаки, камомад катта. Шартта транспорт нақлдоидаги «восемьсот» езу-видан «во»ни ўчириб, «семьсот»га, «8» рақамини «7»га айлантирди. Аммо Самарқанддаги эҳтиёт қисмлар марказий омбори ходимлари бу сохтагарчиликларни сезишди ва юкни қабул қилмай Қўқон филиали томон «йўл кўрсатиб» юборишди.

Қўқондагилар ҳам гап нимадалигини сезиб қолишса, ахвол чатоқлигини сезган В. Диров сафарини давом эттиришига кўпма ошқавермади.

Машинасини тузатиб олиш мақсадида Тошкентга йўл солди. Сирдарё шаҳридан савдо-сотиқни бошлаган Владимир Тошкентга бор-йўри 100 та гилдирак билан кириб келди.

Тошкентда у Галина исмли аёл билан танишди. Балки олдиндан танишдир, яна ким билади, дейсиз терговда ҳар хил кўргазмалар берган. Хуллас у ўша аёлнинг уйи енига машинасини киритиб қўяди ва қолган гилдиракларни сота бошлайди.

Гувоҳларнинг айтишича, бу орада шу пайтгача ҳеч вақоси бўлмаган Галинанинг уйи турли хил гарнитур ва қимматбаҳо буюмларга тўлиб кетган.

Кейинроқ Владимир машинани олиб қочиш ва ёқиб юбориш режасини ишлаб чиқди ва буни 10 минг сўм эвазига амалга оширтди.

Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Владимир Диров 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Галина эса мол-мулки мусодара қилиниб, олти йилга ҳукм қилинди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия асосан у суд залидан озод қилинди.

Х. МҲИДИНОВ.

Шайхонтоҳурда тинчликми?

ХАМЁН

Чорсу бозори жуда гавжум бўлади. Ҳамма тирикчилик илнжида юрибди-да. Биров сотмоқчи, биров олмақчи, биров...

Хуллас, Баҳодир ҳам чошгоҳда шу ерда эди. Бу маҳал бир аёл олча сотаётган, харидорнинг кўпчилигидан енига қўйган ҳаменини ҳам унутганди. Яна ишга кўп эшитганимиз, лекин ҳеч қачон кўрмаганимиз — шайтон аралашди. Баҳодир секингина ҳаменини «супириб» кетди. Албатта буни олчафуруш синглимиз сезмай ҳам қолди.

Хўш ҳаманда нима бор эди? Унда 367 сўм пул (савдо авжида-ку), бир жуфт нархи 125 сўмлик зирак, 15 сўмлик қош бўяғич (о-хо!), 1 сўм 20 тийинлик абонемент, бир қанча купонлар бор эди. Умуман бу ҳаман жониворнинг ўзи ҳам пул туришини ҳисоблаганда, Баҳодир 540 сўму 20 тийинлик мол-мулкни олиб кетмоқда эди. Лекин милиционерлар шу яқин атрофда юришган, ҳаммасини кузатиб туришган экан. У 15—20 кадам юргандан сўнг шаппа ушлашди. Суд Баҳодирга қонунда кўрсатилган энг енгил жазони белгилади: мол-мулки мусодара қилинмай, уч йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

ЧАЙҚОВ

Баҳром асли чимкентлик, йўловчи поездда кузатувчи бўлиб ишлайди. Бир сафар Москвага борганида давлат нархи 14 сўм бўлган «ТУ—134» сигаретидан 120 қутти сотиб олган экан. Қўқонда мадрасаси енига келиб, шу сигаретларнинг 10 қутисини

мўмай фойдасига сотаётганида милиция ходимлари қўлга тушиб қолди. Милиция таянч пунктга келтирилиб, ҳолилар иштирокида текширилганда қолган 110 қутти сигарет ҳам топилди.

Суд унга уч минг сўм жарима солди.

ТУФЛИ

Латифнинг қилган иши Баҳодирникига ўхшаб кетади. Умуман усул битта.

У асли Шахрисабдан. Меҳмонга келган бўлса керак. Кечга яқин Навоий кўчасида жойлашган савдо расталарини айланиб юрганди. У ҳам бир сотувчининг ўта бандлигини кўриб, секингина шу ердаги 250 сўмлик аёллар туфлисини олиб жуфтаникни ростламоқчи эди-ю... яна милиция пайдо бўлди.

Латиф бир йил давомида маошининг 10 фоизини давлат ҳисобига ўтказиб турадиган бўлди.

ПИЧОК

Олдин икки марта судланиб чиққан Фарход Чорсу яқинидаги «Ўзбекистон» дўкони енида келаётганди. Тинчгина эмас. Дуч келган таниш-нотаниш аёлларга гап отиб борапти. Кайфи бор-да.

Милиционерлар бу тартиббузарни ҳам тутишди. Енидан тугмачали пичоқ ҳам топилди.

Суд уни олти ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

... ВА НУНЧАК

«Пахтакор» метро бекатининг автобуслар тўхташ жойи рўпарасида Рустам деган йигит бемалол қўлида нунчак уйнатиб келаётган эди. Уйладики, дунё безга. Қўлимда

нимани уйнатсам уйнатавераман.

Рўпарасига милиция машинаси келиб тўхтаганида ҳам унинг хаёли бўлилмади. Бўлимга киргач ўзига келди.

У, албатта, ҳаммасини бўйнига олди. Кўчадан нунчак топиб олиш, уни уйнатиб юриш мумкин эмаслигини билмас экан. Биладиган бўлди. Бир йил давомида маошининг 10 фоизини тўлаб тургач...


Ўқиб чиққанингиз — бу воқеаларнинг ҳаммаси Шайхонтоҳур районига рўй берган. Мен ҳам олдин шу воқеалардан хабар топиб, сўнгра ИИБга боришга қарор қилдим. Ҳар ҳолда бу ерда милициянинг хизмати катта эҳкалигини сиз ҳам кўриб турган бўлсангиз керак.

Мени бошлиқнинг шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш ишлари бўйича ўринбосари Абдурашид Шодиев ўз хонасига таклиф қилди.

— Яхши ишлаган ходим ҳар доим раҳбарлар томонидан кадрланиши керак, — дейди у киши, — ана шундагина ўз касбига меҳр қўяди. Бу ерда иш қўзини билган йигитларнинг кадрига етишлари шундоққина кўриниб турибди. Тез-тез хизматда ўзини кўрсатган ходимларни пул мукофотлари билан ҳам тақдирлаб туришди.

Бир йилдан ошди, ИИБда ветеранлар кенгаши ишлаб турибди. Унда 10 кишидан иборат истефодаги милиция ходимлари фаолият кўрсатишади. Жиноятчиликка қарши кўрашда уларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари жуда қўл келмоқда.

Ҳ. МАҲКАМОВ.



Хивани биласиз, тарихий обидалар сақланиб қолган ажойиб шаҳарлардан бири. Бу табаррук масканда ажодларимиз ақл-заковати маҳсули ўлароқ вужудга келган гўмбазу минораларни кўз қорачиғидек асраш, қолаверса қатор халқ ҳўжалиги аҳамиятига молик объектларни нопоқлар ҳамласидан муҳофаза қилиш — энг муҳим вазифа.

Шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими сзвод командири, милиция лейтенанти Сапарбой Раҳимов (унгла) ва милиция кичик сержантлари Рузимат Қўрбонбоев, Эргаш Абдусатторовлар бу вазифа моҳиятини чуқур ҳис этишади.

Сурат муаллифи Саъдулла БОБО.

ЁғНИ ЧИҚАРИБ КЕТИШОЛМАДИ

Бешарик району ИИБ ДАН ходимлари Чилмаҳрам назорат постида орқасига цистерна бириктирилган «ГАЗ-53» автоуловини тўхтатишиб, кўздан кечиришганда, цистернада 1920 килограмм ўсимлик ёғи борлиги аниқланди.

Ёғни четга олиб кетмоқчи бўлган киши Қўқон давлат ҳўжалигида истиқомат қилар экан.

Суриштирув натижасида маълум бўлишича, бу маҳсулот Фўрқат райони давлат таъминоти идорасига тегишли экан. У ерда ҳозирги кунда тафтиш ишлари кетмоқда.

У й л а й м и з к и , республикадаги мулкни ташқарига ташиб кетувчи бу каби фуқаролар ўз жазосини олади.

ЎЗИНИ- ЎЗИ...

Соат 8 нар чамасида Дўстлик шаҳарчасида яшовчи Ёқуб ўзини-ўзи осанлиги аниқланди.

Қувасой шаҳар паррандачилик фабрикаси ишчиси бўлган бу марҳумнинг ўз жонига қасд қилиш сабаблари аниқланмоқда.

АВТОМАТ ЎҚЛАРИНИ КИМ ҚОЛДИРДИ?

Фаргона шаҳар, Ленин кўчасида истиқомат қилувчи фуқаронинг уйдан 148 дона автомат ўқи топибди. Суриштирув натижасида, бу ўқларни Ғ. В.нинг таниши бўлган ҳарбий хизматчи қолдириб кетганлиги аниқланди.

Ҳозир тергов ишларини бормоқда.

Қ. САМИНЖОНОВ.

1990 йилнинг 4 декабрида Юнусобод район халқ суди Қобил Нурмухамедовнинг қилмишини муҳокама этди, аммо ёшлигини, биринчи марта жиноятга қўл урганини эътиборга олиб, бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилди. Бироқ мўъжиза рўй берди — бу ҳукм қорозга туширилди-ю, ижро этилиши назоратга олинмади. Қонуншуносларнинг лоқайдлигидан фойдаланган Қобил жазонинг бирон бир кунини ҳам ўтамай айшини суриб юверди.

Орадан ойлар, унинг кетидан йиллар ўтди. Аммо у бирон жойга кириб, фойдали меҳнат билан шугулланмади.

Бир куни бекорчиликдан зерикиб, кўчага чиқиб турганди, қўшнисининг дарвозаси енига «Волга» машинаси келиб тўхтади. Унинг ҳайдовчиси Сиддиқов машина моторини ўчириб, шошиланча дарвозадан ичкарига кириб кетди.

Қобил эса «Волга»дан кўз узолмай қолди. Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Икки йил бурун машина ўғирлашни дўндирилмагани учун тузоққа илинганди. «Яна бир омадимни синаб кўрсаммикан?» — деган фикр лип этиб хаёлидан ўтди.

Кейин вақтни қўлдан бой бермай машина рулига ўтириб, уни ви-зиллатиб ҳайдаб кетди.

Машина эгаси уйдаги ишларни битириб, кўчага чиқса, У 41—05 ТШ давлат белгили «Волга»си

турган жойида йўқ. У ёққа югурди, бу ёққа югурди — тополмади.

Бу пайтда Қобил Қибрай районидаги «Маданият» жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи дўсти Абдужаббор Саримсоқовнинг хонадонига кириб борганди.

— Абдужаббор дўстим, — деб гап бошлади Қобил. — Машинам бузилиб қолди. Бу ахволда уйга етиб боролмайман. Унга бирон жойдан вақтинчалик «бошпана» топишда ёрдам бер. Эртага уста олиб келиб,

МАШИНА ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

созлатиб олиб кетаман. Илтимос, йўқ дема.

— Шокирнинг уйига қўйиб турсанг бўлади-ку, — таклиф этди. Абдужаббор. — Унинг уйи меникига қараганда кенг, дарвозаси ҳам катта.

Бу таклиф Қобилга маъқул тушди. Улар машинага ўтириб, Садовая кўча, 30-уйда яшовчи Шокир Акбаровнинг қавола бўлишди.

Салом-аликдан сўнг Қобил ахволни тушунтирган бўлди. Шокир рози бўлди. Аммо ҳўлига иккита машина (Шокирнинг ҳам машинаси

бор эди) сизмади. Дўстинг учун заҳар ют, деганларидек, Шокир дўстининг «Волга»си учун ҳовлидан жой бериб, ўзиникини қўшнисиникига киритиб қўйди.

— Дўстим, бир кун минг кун бўлармиди? — деди Шокир. — Қўшнимни арағ кўндирдим.

— Раҳмат сенга, — деди Қобил бироз енгил тортиб. — Бу ахшиликларингни унутмайман.

Шокир меҳмонларни кузатиб келди, кечки овқатга ўтирган маҳал

бор эди) сизмади. Дўстинг учун заҳар ют, деганларидек, Шокир дўстининг «Волга»си учун ҳовлидан жой бериб, ўзиникини қўшнисиникига киритиб қўйди. — Дўстим, бир кун минг кун бўлармиди? — деди Шокир. — Қўшнимни арағ кўндирдим. — Раҳмат сенга, — деди Қобил бироз енгил тортиб. — Бу ахшиликларингни унутмайман. Шокир меҳмонларни кузатиб келди, кечки овқатга ўтирган маҳал

хотини овқат узатар экан, деди: — Ҳой, дадаси, бояги «Волга» миниб келган оғайнингизнинг кўзлари бирам бежо-я. Яна бу машина ўғирланган бўлмасин. Шокир ўйланиб қолди. Кейин ўрнидан туриб, хотинига юзланди: — Гапинг тўғрими дейман. У илгари машина ўғирлаб қўлга тушган эди. Яна ўша «касибига» қўл урганга ўхшайди. «Волга»ни шу кеча гўмдон қилмасам, нақд балога қоламан. — У шундай деб тўғри Абдужабборнинг ёнига йўл олди. Абдужаббор, Шокирни кўриб,

хавотирланиб сўради:

— Тинчликми?

— Йўқ, тинчликмас-да. Қобил бизникида «Волга»ни ўғирлаб келдим», дегандай қилганди.

— Ростданми? Унинг шунақа одати борлигини била туриб, унга ёрдам қилибмиз-да. Бу ишнинг хашаги очилиб қолса, уйимиз қуйди, деявер, йўлини топиб, машинани чеккароққа олиб бориб ташлаш керак.

— Бўпти. Қани кетдикми? Ҳамма ишни иссиғида қилиш керак. Акс ҳолда...

Улар шу кун «Волга»ни Бўзсувнинг хилватроқ жойида қолдириб, уйга хотиржам қайтишди.

... Сиддиқовнинг аризасига кўра, изкуварлар ўғрининг кетидан тушишди. Эрта тонгда милиция ходимлари Қобил Нурмухамедовни қўлга олишди. Терговда Қобил ўз айбига иқдор бўлди ва Шокирнинг уйига бошлаб борди. Бироқ машинани қолдирган жойидан топишолмади.

Шокир билан Абдужаббор ички ишлар ходимларини Бўзсувга бошлаб бориб, машинани кўрсатишга мажбур бўлишди. Машина эгасига зарарсиз қайтарилди.

Қобил Нурмухамедов, Шокир Акбаров ҳамда Абдужаббор Саримсоқов Юнусобод халқ судининг ҳукми билан турли жазоларга маҳкум этилдилар.

М. ҲАКИМОВ.

«Тилсиз ёв»га қарши



Давлат енгиндан сақлаш назорати ходимларининг бу йилги фаолиятлари ўтган йилги натижалар билан таққосланса, бирмунча самарали дейиш мумкин. Келинг, яхшичи рақамларга мурожаат этайлик.

Жорий йилнинг 10 ойи мобайнида республикамизда содир бўлган ёнгинлар сони ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 18,8 фоизга, инсонларнинг «сарик аждар» чангалида ҳалок бўлиши эса 23,4 фоизга камайди.

Бундан ташқари ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлаётган ёнгинлар 19,2, савдо тармоқлари ва оморлардаги ёнгинлар 18,3, маъмурий ва маданий-маиший муассасалардаги ёнгинлар 36 ва фуқароларга қарашли турар жойлардаги ёнгинлар 23,1 фоизга кискарди.

Қолаверса, бу соҳа фидойилари қасддан ўт қўйиш ҳолларида тергов, жиноят қидирув бўлими ходимларига шу ишларни очишда ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Жангчиларимиз енгиннинг олдини олиш ва уни ўчириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этибгина қолмай, милиция ходимлари билан бир сафда туриб жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этмоқдаларки, буларни алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Тошкентдаги резина ишлаб чиқариш заводининг захарли моддалар сақланадиган оморлари, Андижон вилоятидаги тикувчилик, бирлашмасига қарашли шохобчада, Наманган вилоятидаги ногазлама ишлаб чиқариш фабрикасида ва бошқа қатор халқ ҳўжалиги корхоналарида ёнгинларнинг жилавланиши ҳам жангчиларимизнинг мислсиз қаҳрамонлиги ва жасоратидан дарак беради.

Уларнинг Наманган вилоятидаги Минтубоқ нефть алангасини бартараф қилишда кўрсатган жасоратлари эса узоқ вақтларгача ҳамюртларимиз хотираларидан ўчмас керак.

Икки ой давомида барча вилоятлардан келган жангчилар кун-

ни тунга улаб, нефть алангасини ўчиришда бор кучларини аямасдан меҳнат қилдилар. Уларнинг бу хизматлари эътиборсиз қолмади.

26 нафар ўт ўчирувчи ходимлар Президентнинг Фармонида биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг «Фахрий ерлик»лари билан тақдирландилар. Шулар ичида Ўзбекистон ИИБ енгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари — ички хизмат майорлари Темур Азимов, Абдулла Қўлдошев, Самарқанд вилояти ИИБ енгиндан сақлаш бўлими бошлиғи муовини, ички хизмат подполковниги Виктор Живницкий ва бошқа ҳамкасбларимиз бор.

Жангчиларимиз ўзларининг кўркмасликларини яна бир ҳафли енгин чоғида намоян этдилар.

Жиззах вилоятида жойлашган муассасалардан бирида портлаш содир бўлиб, бу ҳодиса атрофдаги аҳоли ҳаётига жиддий ҳавф солди. Олти соатдан ошиб давом этган жангдан сўнг «тилсиз ёв»ни чекинишга мажбур этдилар. Бундай шиддатли олишувда жангчиларимиз ва улар билан бир қаторда милиция ходимлари ҳам фаоллик кўрсатдилар. Енгинни ўчиришда кўрсатган мардлик ва матонатлари учун 46 нафар ўт ўчириш ходимлари ва бир гуруҳ милиция ходимлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг буйруғига биноан моддий рағбатлантирилдилар.

Бизнинг асосий вазифамиз халқ мулкани ва бойлигини, одамлар ҳаётини қутилмаган офат ҳамласидан сақлаб қолишдир. Шунинг учун биз барча ички имкониятларимизни чуқур ўрганиб олдимизда турган муаммоларни ечишга сафарбар қилиш режаларини аллақачон тузиб олганмиз.

Р. ЖўРАЕВ,

ИИБ енгиндан сақлаш бошқармаси мудири.

"БЕНЗИНФУРУШЛАР" ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Сўнгги кунларда Тўйтепа шаҳрида содир қилинаётган ёнгинли ташиш машиналарини ўғирлаб кетиш ҳоллари ЖКБ, ДАН ҳамда участка вакилларига тинчлик бермаётган эди. Жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида шундай машиналардан шаҳарнинг ҳар бир қисмига қўйиб қўйилди. Икки кунлик иш натижа бермади. Одамлар билан гаплашганда ҳам бу тўғрида ҳеч бир аниқ маълумот олиб бўлмади.

Учинчи кун ҳам қўтишга келишилди. 9 ноябрь куни тахминан соат 11 ларда шаҳар алоқа бўлимининг олдида қўйилган Оҳангарон райони Навоий жамоа ҳўжалигига қарашли автомашиналарни олиб қочишган. Буни зимдан кузатиб турган ходимлар —

ЖКБ вакили Т. Мўминов, участка вакили А. Қобилов ва ДАН ходимлари Б. Хўжаев, Ш. Эрматов, Ш. Бегматов, Т. Зокировлар томонидан жиноятчилар қўлга олинди.

Ўғирлардан бири шерикларини машина каби насидан милиция ходимлари тушираётганларини кўриб, ўзини тўғри келган кўчага урди. Сизгир ходимлар ортидан етиб бориб, уни ҳам ушлашди.

Натижада мукаддам ўғрилик билан қамалган ва шу кунга қадар ёнгинли ташиш автомашиналарини ўғирлаб пул топиб юрган шахслар — Анорбой Муродов, Ўбайдулла Мавлонов, Ўктам Дўсматовлар тузоққа илинди. Тергов давомида бу шахслар томонидан бир қанча ёнгинли ташиш

автомашиналари ўғирлаб кетилганлиги, бундан ташқари Олмалик шаҳрида бир неча марта фуқаролар шахсий мулки умарилганлиги фош этилди.

Жиноятчилар куннинг шу вақтида одамлар асосан пахта даласидалигидан фойдаланишмоқчи бўлишган. Улар ўз вақтида қўлга олинмаганларида, ким билади яна қанча мулкни ўғирлаган бўлардилар.

Ҳозирги кунда улар устидан жиноий иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Абдукарим ЙЎЛБАРISOV,
Ўртачирчиқ район ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги.



Б. Ж. 1972 йилда Олтиариқ районида тутилган. Ўтган йилдан бошлаб соқчи вазифасида ишляпти. У кўриқлайдиган дўқон шаҳар бозорининг енгинасида жойлашган.

Шу йилнинг 7 ноябрга ўтар кечаси Қирғизистондан келтирилган картошкаларни кўриб унинг феъли айнаиди. Вазифасини ҳам унутиб, ҳамкасбларининг пинакка кетишини орзиқиб кута бошлади. Кейин 4 қоп картошкани кўздан пана жойга судраб келиб, яшириб қўйди.

Эрталаб қарабсизки, Б. Ж. картошка сотиб ўтирибди.

— Кеп қолинг, янги картошка. Арзон бераман. Қандек пишади ўзиям.

400 кило картошка ўғирланганлиги ҳақидаги хабарни олган катта участка вакили, милиция катта лейтенанти Г. Усмонов ва унинг ердამчиси милиция катта сержанти О. Тошкенбоевлар бозор айланишаркан, янги «деҳқон» ни кўриб ҳайратландилар.

Миси чиққан Б. Ж.нинг тили айланмай қолди. Ҳозир тергов кетмоқда.

Ҳойнаҳой Б. Ж. емоқчи бўлган картошка анчагача ҳазм бўлмаса керак.

А. АҲМЕДОВ.

САВДОДАГИ ҚОРА ДОҒЛАР

Халқимизда юртга келган тўй, деган бир нақл юради. Ҳозирги иқтисодий тақчиллик, нарх-навоининг кескин ошиб бориши ҳам барчага баробар қийинчиликлар туғдирмоқда. Ҳаёт кечириб кундан-кунга оғирлашмоқда.

Шу қийинчилик пайтидан фойдаланиб бирни ўнга, юзни эса мингга уриб қоладиганлар кун сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг ўй-хаёлларида доим бир фикр: бу кунлар давом этаверса-ю уларнинг чўнтагига мўмай даромад оқиб келаверса. Шу илнжда улар туну-кун ғимирлайдилар, тўлғанадилар.

Бешариқ районидаги 90-механизациялашган кўча колоннада энергетик лавозимида туппа-тузук ишлаб юрган Шарофиддин Ҳайитовнинг ҳозирги гала-говур пайтдан фойдаланиб мўмай пул ишлаб олгиси келди.

Ҳозирги кунда ҳамма нарсаси пул. Пул бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Бунинг сезган Шарофиддин ўз таниш-билишларидан ўн кило эмас, юз кило эмас, нақд 343,5 килограмм ҳинд чойини олиб, оширилган нархда сотмоқчи бўлганда аниқланди. Бу чойнинг умумий нархи 37 минг 785 сўм бўлишини ҳисоблагандан сўнг, қоладиган фойдани мактаб ўқувчиси ҳам чиқариб олса бўлади.

Олғир йигитлардан яна бири Охунбобоев районида Мухтор Низоминов бўлади. Бу йигит ҳам ишламай пул топишни ўзига касб қилиб олганлардан. Мухторжон колхоз бозорида картошка сотиб ўтирганида милиция ходимларига тутилиб қолди. Акс ҳолда бир кунда 800 сўмлик бўлиб олар эди.

Бу «ишбилармонлардан» ҳам зўрроғи савдо шохобчаларига ин қуриб олганлар бўлиб чиқди. Уларнинг ҳам фикри-экри мўмай даромадда бўлади. Шу умидда яхши товарларни яшириб сотиш ёки харидорлар ҳақидан уриб қолиш уларнинг кундалик одатларига айланиб қолган.

Дўқонга ҳар қан кам-кўстини битириш, ошхонага эса тамадди қилиш учун қиради. Бу ерларда ўтирган, юзлари қирмизи олмадек йигитлар мулоимлик билан сизга «хуш келибсиз», — деб, сўнгра «хуш кўрдик»-ла кузатиб қолишад-да, пулингизни шилиб олишаверади.

Марғилонлик, Охунбобоев райони матлубот жамиятининг 10-дўқонида сотувчи бўлиб ишловчи Дилшод Матмусаев ҳам биз юқорида тилга олган шахслардан бўлиб чиқди. Ҳисоб қилиб кўрилганда нақд 43 сўмга ўз фойдасига «адашганлиги» маълум бўлди.

Унинг тенгқури Шухратжон эса ошхонага ўрнашиб олиб, келган хўрандалар ҳақидан яхши ўлаштириб олган. Айни чоғда мазали таом тайерлайдиган ошхоналарни топиш амри-маҳол, яна бунинг устига ҳақидан «уриб» қолишдан ҳам уялмайдилар.

Хуллас, чўмичини мой устида ўйлатиб, хўрандаларни ўз таомига қақираётган Олтиариқ районида ошпаз бўлиб ишловчи Шухрат Ойматов ҳам 13 сўм 77 тийин «уриб» қолганда ушланди.

Диенатни ҳам қўшиб сотувчи бу савдо ходимлари касрига бошқалар надоматга қолмоқдалар. Ишчи, хизматчи ва дала меҳнаткашларининг ҳалол меҳнатларини кўриб, ҳозирги вақтда пул ишлаб топишнинг қийинчилигини тушунса бўлади. Лекин айрим савдо ходимлари борки, улар юқоридагиларга ўхшаб майдалагилари келмайди. Катта босиб, катта олишни хошлашади.

Энди таништирадиганимиз Баҳодир Умаровдир. Охунбобоев район матлубот жамиятига қарашли 2-дўқонда ишлайдиган бу йигит харидорларга сотилиши керак бўлган 106 минг сўмлик товарларни яшириб қўйган. Вақтида милиция ходимлари тамонидан сирини фош этилди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида қийин-қийин — чекадиган фуқароларга қийин. Негаки бир қутти сигаретни шу кунларда 30-70 сўмдан олишмоқда. Пул қадрсизлиги шу даражага олиб келишини ҳар қандай башоратчи ҳам билмаган бўлса керак. Чекувчи нима ҳам қилсин, чекаверса нарх осмонда, чекмай деса ўрганган. Шундай бўлмоқдаки, савдо шохобчаларидаги сигаретлар ҳам қийин билмас ҳолда қўлдан-қўлга ўтиб кетмоқда. Мисол дейсизми?

Мана, Марғилон шаҳар озиқ-овқат идорасининг 47-дўқони мудири Эсонали Собиров сотиши керак бўлган 330 қутти, жами 5610 сўмлик сигаретни ўз дўқонига яшириб қўйганлиги аниқланди. Бунинг албатта яхши ниятда олиб қўймагандир?

Халқда ўрик-ўрикни кўриб сарғаяди, деган нақл бор. Савдо шохобчаларидаги савдо ходимлари ҳам бир-биридан кўриб иш қилишлари аён бўлиб қолди.

Марғилон шаҳар «Намуна» матлубот жамиятида таъминотчи бўлиб ишловчи Рустам Қодировнинг омордаги 800 минг сўмлик товарни сотишга қандай алоқаси бор? У ўзи қийаётган ишнинг савдо қондаларига тўғри келмаслигини билса-да, тушаётган мўмай даромад унга тинчлик бермай қўйган.

Мана, азизлар, вилоятимиздаги савдо шохобчаларида бўлаётган ҳодисалардан айримлари билан танишдингиз. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда бир ганин эслатиб қўймоқчимиз. Бундай камчиликлар билан курашиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси бўлиб қолмасдан, ҳамманинг ишига айланмоғи лозим. Шундагина биз қийинчиликлардан имкон даражасида енгилроқ кутуламиз.

Савдо шохобчаларидаги харидорга борадиган товарларни бозорга тортиқлаётган айрим савдо ходимларининг танобини тортиб бўламиз.

Саминжон ҚОРАБОВЕВ,
Фаргона вилояти ИИБнинг матбуот гуруҳи катта нозири, милиция лейтенанти.

Тунги машмашалар

кўрсатишга уринарди. Бироқ уйдаги тартибсизликлар, аелнинг йиғиси, болаларнинг кўркун тула нигоҳларидан унинг «хотиржам» лиги ясама эканлигини англаш қийинмасди.

ИИБга келтирилгач, маст Кузминнинг илҳоми тутиб, гапга чечан бўлиб қолди.

— Нега мени бу ерга обкеддинглар? Қани начальник? Қани прокурор? Нима ҳақларинг бор?

У ҳеч қан билан гаплашишни истамас, тўғрироғи эшитмасди ҳам.

Амаллаб уни хонага киргизишди. Уч минут ўтди-йўқми, яна бақирғи эшитилди.

— Мени қўйворинглар! Йўқса венами кесаман! Очинглар! Қани хотиним? У шундай деб чинқиради, эшикни тепар, ходимлар эса бирма-бир Кузминни тинчлантиришга уринадилар.

Бу ҳолат тонггача давом этди.

Эрталабдан ИИБ тундаги безори йигитларнинг ота-онасига, қариндош-уруғларига тўлди.

Бўлим бошлиғи, милиция подполковниги С. Темуров навбатчи ҳисоботини тинглаб улгурмасдан улар хонага бостириб кириб келдилар.

Х. Урозовнинг ота-онасига амаки, тоға, холасига шун ерда. Келишиб олишгандай гаплари битта. «Боламиз еш, билмасдан, ўйламасдан, ичкилик орқасидан... Бир сафар кечиринг, илтимос... Болам ундай касал, бундай касал...»

— Бу ерга келтирилгани, ҳали қамалди деган гап эмас. Аниқлаймиз, қолаверса тергов бор, суд бор. Йигилишиб дийди кўтаргунча биргалашиб насихат қилиш керак эди, — дейди бошлик.

Юқоричирчиқ райони ИИБда оператив гуруҳ аъзоларидан бошқа ҳеч қан қолмади. Бугун гуруҳга бошлиқнинг умумий хизмат бўйича ўринбосари милиция майори А. Мусаев раҳбарлик қилмоқда. Соат саккизлардан ошмоқда, ҳозирча ҳамма ёқда тинчлик.

— Ишқилиб бугун осойишталик бўлсинда, — дейди Абдулла ака. — Айниқса ҳашарчилардан хавотирдамиз. Турли районлардан келишган, худо кўрсатмасин бирон қор-ҳол бўлса...

Тунов кунини шу ерлик бир тўда йигитлар... Унинг гапларини телефон кўнгируги узди. Киска гапириб, телефон дастасини қўяркан, савол назари билан боқдим.

— Автобусда 5-6 нафар йигитлар милиция ходими билан жанжаллашиб қолшибди.

— Мен ҳам борай.

— Йўқ, ходимлар кетишди. Тезда келишди. Тунин билан ҳали бундай қақирлар кўп бўлади. Роса чарчайсиз.

Гап шу ерда бўлиниб, биз ИИБнинг «юраги» — навбатчилик қисмига тушдик. Абдулла ака таъкидлаганидек, ўн дақиқалар ўтмай безори йигитчалар келтириди. Ҳаммаси ичган, ҳозир улардан бирон нарсаси хусусида сўраш бемаънилик эди.

Ходимлар йигитчаларни йўл-йўлакай мастлик даражасини аниқлаш учун шифохонага ҳам киритган бўлиб, маълумотномаларни навбатчи, милиция катта лейтенанти А. Қўлбоевга топширдилар. Дастлабки ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шу пайт зўравонлардан бирининг ота-онаси келди.

А. Қўлбоевнинг «эртага келинглар, бошлик бўлади. Ҳозир ўглингизни кўрсата олмаймиз», — дейишга қарамай:

«Ҳозирроқ боламизни кўрсатасанлар! Нима ҳақларинг бор? Нега қамайсизлар? Нима одам ўлдирибдими? Бир одамни урганига шунчаликми», — дея аюҳаннос кўтара бошлашди.

Навбатчи А. Мусаевни қақиршга мажбур бўлди. Охири суҳбат юқорига арз қилиш билан тугади.

Бу жоҳролар тугаганда соат тунги 12 ларга яқинлашиб қолганди. Ҳамма ҳорғин тортиб қолгандай кўринди менга. Одамлар билан ишлаш учун қанчалар мустаҳкам асабга эга бўлиш лозим-а! Қонунни тушунириш шунчалар азоб. Кун бўйи ишласангу яна кечаси бекордан-бекор дўк-пўписа эшитсанг!...



Кейинги пайтларда гапни иқтисодий қийинчиликлардан бошлаш одат тусига кириб қолди. Умуман бу тўғри. Гапни бошлаётганимиз ҳам, иқтисод оғирлаётгани ҳам. Ҳақиқатдан кўз юмиб нима қилдик. Иқтисодий муаммолар ҳақида гапирар эканмиз, улар баъзан бевосита, баъзан

билвосита маънавиятга, ахлоққа ўзининг оғир таъсирларини ўтказётганини ҳам таъкидлаш лозим. Бу нарсаси маънавий ҳаётимизга сал синчиклаб разм солган кишига яққол кўриниб қолади.

Тўғри, фоҳишабозликни энг "қадимий касб" санаб келишади. Балки шундай, балки шундай эмасдир, биз бунини ҳал қилишни ҳозир ўз зиммамизга олмаймиз. Ният бошқа. Бозор муносабатларига ўтишимиз арафасида мезонлар алмашмоқда. Лекин шуниси ёмонки, асосий мезон бўлиб майдонга ахлоқ, поклик еки шунга ўхшаган бир нарса эмас, балки пул тушмоқда. Демакки шундай бўлар экан, кўпчилик унинг пайига тушиб қолиши тайин. Хусусан "қадимий касб" соҳибалари-ю (улар ҳамиша пулнинг пайига бўлишгану, ҳозир яна ўзгача) пешонаси терлаб меҳнат қилишни ҳоҳламайдиганлар ҳам.

Ахлоқ милицияси бошқа хизматлар билан биргаликда ўтган ўн ой мобайнида шундай шахсларга қарши курашиб, мунтазам равишда меҳмонхона, етоҳхона, қаҳвахона, бар ва сауналарда текширишлар олиб борди. Буларнинг натижаси бўйича 200дан ортиқ киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Маълумки, жабрланувчи

бўлмаган тақдирда жиноятнинг очилиши оғир кечади. Бизнинг ишда эса ҳеч қачон жабрланувчи бўлмайди. Шу жиҳатдан олиб қараганда хизматимизнинг нақадар оғирлигини ҳам сезса бўлади. Лекин чорасиз иш йўқ. Оғир машаққатлар эвазига баъзи натижаларга эришмоқдамиз.

Айниқса меҳмонхоналарда тер тўкиб ишлашга тўғри келмоқда. Азалдан бу ерлар фоҳишабозликнинг "қайноқ нуқта"ларидан саналиб келинади. Яқинда бир меҳмонхонада керакли хужжатларсиз, ноқонуний равишда "меҳмон" жойлаш факти аниқланди. Текшириб кўрилганда эса ўша аёл юкумли касаллик билан оғирган экан. Бошқа меҳмонхонада эса С. деган жувон ушланди. Унинг ёнидан "хизмат ҳақи" — 1000 сўм пул ҳам топилди. У соат 21дан 6 гача шу ерда бўлган. Бундан ташқари З, Х, Г деган кизлар ҳам тўтилди, уларнинг икитаси касалга чалинган экан. 1974 йилда туғилган Ш. ва иккита оренбурглик кизлар ушланди. Ҳаммаси юкумли касалликлар билан хасталанди. Улар касалхонага етказилди.

Юқорида айтилди, фоҳишанинг айбини исботлашнинг ўзи қийин, исботлангандан сўнг ҳам мушкулот енгиллашмайди. Қонун жудаям,

керагидан ортик инсонпарвар. Биринчи марта кўлга тушган фоҳишага 200 сўмдан ортик жарима солиб бўлибди, дейсиз.

Биз асосан Тошкент шаҳар теританосил касалликлари диспансери, шаҳар СПИДга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Кейинги вақтларда улов масаласи анча қийнаб қўймоқда. Ушланган ҳар бир фоҳишани авваламбор текшириш учун тери-таносил касалликлари диспансерига олиб боришимиз керак. Шундай пайтларда ички ишлар бўлимларига кўнғироқ қилиб, машина чақирамиз ва анча қутиб қолишимизга тўғри келади. Баъзан эса меҳмонхоналардан 5-6 талаб фоҳишани ушлаб чиқамизки, уларни ҳеч қарга жойлашнинг иложи бўлмай қолади. Шунини ҳисобга олиб, бизга битта микроавтобус ажратишганида яхши бўларди.

Шубҳасиз, маънавий ҳаётимизда видео катта ўзгаришлар ясади. У қайсибир жиҳати билан юқорида айтиб ўтган соҳамизга боғлиқ. Қонун йўли билан назоратга олиб турилмаса, жамиятга видеонинг салбий таъсири жуда катта. Қовун қовунни кўриб ранг олади, дейишганидек зўравонлик, фахш тарғиб қилинган фильмлар таъсирга

тушиб қолган ешлардан яхши нарсаларни қуттиш қийин. Шу сабабли видеодан фойдаланиш назорат остига олинган. Ўтган ўн ой мобайнида рухсат этилмаган 46 та симли телевидение, 8 видеосалон, 6 видеозал, 6 та видеокассеталар-прокати пункти аниқланди. 17 видеоаппаратура, 353 видеокассета мусодара қилинди. Уят маҳсулотларни тарқатгани учун бир факт бўйича жиноий иш кўзгатишган.

Ахлоқ милициясининг иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Шу йилнинг апрел ойида тузила бошлаган бўлса, июнь ойида барча шатлар ҳодимлар билан тўлғизилиб, иш бошлади. Маълумки, охдинлари унинг иши билан участка вакиллари, бағоятга етмаганлар билан ишлаш назорияти шуғулланиб келар, уларнинг эса бундан бошқа ҳам ишлари бошидан ошиб ётарди. Ана энди ахлоқ масалалари билан махсус шуғулланадиган бўлим иш бошлаган экан, бу борада яхши ўзгаришлар бўлиши аниқ.

Собир РАУПОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ маъмурий
ахлоқ доирасидан
ҳуқуқбузарликларни олдини
олиш бўлими бошлиғи, мили-
ция подполковниги.

Нима бўлганда ҳам Қобилу Ҳобилнинг қондошларимиз.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган бу ҳодиса ўша мудҳиш воқеага қайси томонлари биландир ўхшаб кетади. Ушанда — одамзотнинг ер юзида энди тарқала бошлаган пайтда ака-ука опа-сингилни талашиб, қотиллик содир этганди. Шу йилнинг баҳорида Ургутда юз берган воқеа сал бошқачароқ кечди.

Баҳор хис-туйғулар фасли. Бу чоғда инсон қалбини шоирона туйғулар қоплаб олади: қайларгадир учиб кетгинг, дарё тўқилларига қўшилиб оқинг келади; секинчадан, қувончдан вужудингни нималардир тирмалайди, ўйнайди. Ишқилиб бу даврда одамнинг ўзини ўзи идрок қилиши, тийиб туриши қийинлашади. Хуллас, бу чоғдаги руҳий ҳолатни эзйиб тасвирлаб ўтирмасак ҳам кўпчилик бунини яхши тушунади.

Апрель ойининг кунларидан бирида Баҳрин қишлоғида тўй бўлди. Фаҳрининг акаси Илҳом уйланди. Базм қизигандан кизирди. Ширақайф йигитларнинг жазаваси, қўшиқдан маст қизларнинг ноз-фироқлари... Бундай пайтда ҳамма қандай қилиб бўлмасин, ўзини кўрсатиб қолгиси, кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилгиси келади. Шу иштиёқ билан енаётганларнинг кўпчилиги даврада. Рақс рақсга уланапти, қўшиққа қўшиқ. Ўйнаётганларнинг ичида куёвнинг укаси Фаҳри ва уларнинг ўғай сингиллари Гўзал (исмлари ўзгартрилган) ҳам бор. Чеккадаги томошабинларнинг орасида эса Хидир ҳам қизариб-бўзариб турибди. Унга Фаҳри билан Гўзалнинг жуфт бўлиб ўйнаётгани сираям ёқаётгани йўқ. Гўрдан ҳам ёксинмикин, ўзи билан севишиб, хат олиб, хат беришиб юрган киз ўғай акаси билан бўлса, тўйда ўйнайпти.

Қишлоқда гап оралаб юрганди: мактаби тугаши билан Гўзални ўғай акаси Фаҳрига беришармиш. Шу чоққача Хидир бу гапга ишонмасликка уриниб келаётган эди. Йигит барибир йигитда, ўз ори бор, номуси бор. Бу гап қанчалик қийнамасин, қизнинг ўзи томонда эканлиги унга озрок бўлсада куч бағишлар эди. Энди мана бу тўйдаги аҳволдан кейин нима қилишга ҳам боши қотиб қолди. Унинг бу ҳолатини тушуинса бўлади: ўн саккизга кирмаган ким бор, деганларидек... Бундай чоқда ҳамма ҳам ўзини қарга қўйишга жой тополмай қолади. Кўплар шу заҳотни "орани очиб" олишга ҳаракат қилади. Бу муомала муштлашишга бориши ҳам мумкин. Лекин Хидир бундай қилмади, тишини тишига қўйиб, аччиқ алам билан тўйхонани тарк этди. Ким билсин, ўйнаётганларнинг бирини жонажон, бирини ўғай акасининг тўйи эканлиги уни тутиб қолгандир. Ҳар ҳолда тўйхонани тарк этди.

Олдинроқ киз йигитга онаси ва ўғай отаси мактабни битириши билан ўзини Фаҳрига беришмоқчи бўлишаётганини ҳам айтганди. Хидирнинг эса ўша тўйда бу йигитга нисбатан уйғонган нафрати кун сайин алангаланиб борар, қазаб ва рашқдан тунлари уйқуси қочар, нима қилиш кераклигини ўйлабвериб мияси ачирди. Аслида ўша тўй куниек бир фикрга келганди: "Ўлдираман".

Нихоят мактабдаги сабоқнинг сўнгги оийи ҳам бошланди. Битирувчиларнинг фикри-ўйи катта ҳаёт бўсағасидаги ташвишлар билан банд бўлиб қолди. Бу ешда одамнинг севиғиси соф бўлади, нафрати, номуси ҳам. Чунки



уларнинг туйғуларига "катта ҳаёт"нинг барча "борди-келди"лари аралашиб улгурмайди. Шундай бўлсада...

Хидир ягона нарсадан — Гўзални йўқотиб қўйишдан кўрқаётганди. Бошқа ҳаммаси унинг учун иккинчи даражали нарса. Ахир ўн етти ешда ҳамма вақт ҳам ақл-идрокдан кўра хис-туйғу устун турган. Ўсмирларни ҳамма вақт шу нарса бошқаради.

Хидир тайергарлик кўра бошлади.

Олдин уйларидаги қўй терисидан қилинган пўстакни қирқиб яхшигина ниқоб тайерлади. Жигарранг қўлқоп топди. Уйларидаги қўқ дастали пичокни кўз остига олиб қўйди.

16 май кунини Фаҳрининг жияни кўчада учратиб қолди. Гапни айлантириб келиб аста сўради:

— Амакинг Фаҳри қаерда ухлайди?

— Айвонда.

— Уйқуси қаттиқми?

— Ҳим, кулоғини остидан тўп отсангиз ҳам уйғонмайдику.

Ташвишга тўлиб эртаси кунини ўтди. Яна бир кун... 18 май кечаси соат иккилар атрофида Хидир секин ўрнидан туриб, тайерлаб қўйган нарсаларини олиб Фаҳриларниқига жўнади.

Дунедан беҳабар Фаҳри ширингина ухлаб ётарди. Атроф зим-зиё, салқин, тоза ҳаво, қурбақаларнинг қуриллаши, чигирткаларнинг чириллаши... Хуллас қишлоқнинг осуда тунини. Кўнғилда гўбор пайдо бўлишининг ўзи дарғумон. Кўзига ҳеч нарса кўринаётган Хидир барибир ўз режасини амалга оширди: қўлидаги пичокни Фаҳрининг чап қўрағига қаттиқ санчди. Бу ҳам етмаганидек жон-жаҳди билан

бир-икки буради ҳам. Фаҳри буларнинг барчасини даҳшатли туш — босиққараш, деб қабул қилган бўлса эҳтимол, чунки уйқудан уйғонмаёқ ҳаёт билан видолашган эди.

Хидир зум ўтмай ортига қараб қочди. Қўлқоп, пичок ва ниқобни уйлари яқинидаги кўприк остига беркитди.

Шубҳасиз, дунёда ҳеч ким мен нотўғри қилаяпман, деб ўйламайди. Шулар катори Хидир ҳам. Унинг назарида Фаҳри номардларча иш тутаетган, кизининг бевосита ўзига қарамлигидан, қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан фойдаланмоқда эди. Шу жиҳатдан ҳам Хидир ўз қилмишини ҳаққоний деб

хисобларди. Ана шунақа, бир қарасанг ҳақиқат ҳар иккала томонда ҳам, яна бир қарасанг ҳеч ерда йўқ. Хидирни бутунлай қорага ботириб олиш ниятимиз йўқ (шоирнинг "йиқилганни тепма", деган гапига амал қилган зарар кўрмайди). Зеро у "одам ўз бахти учун курашиши керак" деган ақида билан тарбияланган. Муаллимлари минг мартаб айтишган бўлса керак: "одам ўз тақдирини ўз қўли билан яратади". У сийка мавзу — феодал ота-она, бойвачча куёв, муштипар, қамбағал севишганлар ҳақида ўқиб, эшитиб эътиқодини шакллантирган. Албатта, энди бу ердан туриб ақл ўргатиш жуда осон, лекин у нима қилганда тўғри йўл тутган бўларди?

Айтиш керак, аввало бу ҳолатга ҳеч ким тушмасин, тушмиди, тўғри йўлнинг ўзи йўқ. Хидир эса унинг энг қабиҳини танлабди, наилож, ҳар қимнинг ўз билгани.

Ешгина бир йигитнинг ўлиши, унинг ортидан аччиқ хотиранинг қолиши жуда қайғули. Унинг ўлимининг ҳеч ким қутмаган эди ва ҳали узоқ-узоқ вақтларгача ақиллари, ёру дўстлари бу нарсани ҳазм қилишолмайди, едлаб-едлаб, ўқиб яшабди ҳали анча вақт. Бу бор нарса, лекин Хидир-чи? Муқаррар жазосини ҳам ўтаб қайтар (умр ўтаверадида, ахир), унча Гўзал уни қутармикин? Қўлганда ҳам акасининг (ўғай бўлсада) қотилига қандай қилиб турмушга чиқаркин? Бунга ҳам қўнди, дейлик. Фаҳрининг отаси ўз ўлимининг қотилини қандай қилиб куёв қиларкин? Қизни барибир шу киши чиқаради-да ахир! Эҳ, бу ҳаётнинг жумбоқлари нақадар оғир...

Орадан йиллар ўтиб Хидирнинг Гўзални ҳар кўртганда (унинг шу ҳусни билан қолмаслиги тайин-ку) "шу аёл учун одам ўлдирганман", — деган ўй ҳаёлига келармикин? "Арзийдики?" — деган ўй қийнарникин? Ўйлаймизки, жавоб ижобий бўлмайди. Майли, уларни ўша кунларга етказсин.

Шуниси қизиқки, Фаҳрининг ўғай, Гўзалнинг чин онаси бўлмиш Гўлнор опа қизини Хидир билан севишиб, бир-бирларига мактублар битиб юришларини жуда яхши билган, лекин барибир ўз билганидан қолмаган. Янаям ким билади дейсиз, оналар ҳеч қачон ўз фарзандларига ёмонлик тилашмайди, Хидирдан кўра Фаҳрини яхши билгани учун ўз фикридан қайтмагандир.

Яна ажабланидиган томони шундаки, у қанақа мактабки, ўқувчиси партада ўтириб қотилликни ўйласа, дарсдан чиқиб одам ўлдиришга кетса... Ҳаётда ўз йўлини тополмабди, деб ўзингизга тасалли беришингиз мумкин. Лекин Хидир бош қотириб одам ўлдиришни эмас, синус, косинусни ўйлаш лозим эди-ку? У йигирма кун давомида муттасил қотиллик ҳақида ўйлаган, шунга тайерланган. Яхши руҳшунсу-муаллим бўлганда, уни бир оғиз гап билан бу ҳолатдан қутқариб қолган бўларди. Халқда "ҳашар борсам бўлади, куним ўтса бўлади", — деган гап бор. Муаллимларнинг кўпчилиги шу қоидага амал қилиб қолишган, чамаси. Бўлмаса Гўзал билан Хидир синфдош бўлишган, уларнинг икки ўқувчи ўртасидаги муносабат, бўлаётган гап-сўзлардан хабар топмасликлари мумкин эмас эди.

Бу жиноятнинг очилиши бирмунча қийин кечди. Воқеа жойида из қолмаганди. Барибир ҳаммаси фош бўлди. Кейинроқ ниқоб, қўлқоп, пичок ҳам топилди. Бугун ҳазонлар шамолдан ширтирлаб, тупроққа беланиб очик жойларда кезиб юраркан, беихтиёр гашингизни келтиради: кунини кеча — баҳорда худди шу япроқлар нозик ҳисларингизни қитқилаб, қалбингизни тўлқинлантирганини едга ҳам олмайсиз, эсингизга ҳам келмайди. Чунки, чуқурдан чуқур ўйларга берилгансиз.

Кўз оғир ҳаёллар фасли. Қобилу Ҳобилларнинг даври эса ортда қолиб кетди. Ундан буён инсоният кўп нарсаларни ўрганиб олди. Тошдан кейин пичок, ниқобу қўлқопларни ўйлаб топди. Ушанда Қобил ўз инисининг мурдасини икки кун орқалаб юрган бўлса, энди унақа қилишмайди... Барибир улардан бизгача етиб келмаган нимадир бўлган.

Абдуғани АБДУЛЛАЕВ,
Ургут районларпрокурори
уринбосари.

Исмомил ШОМУРОВОВ,
«Постда» мухбири.

Масъулиятга яраша

Мен ИИБда ишни участка вакилигидан бошлаганман. 1953 йилгача милиция ҳодимлари ДХК билан бир вазирликка бўйсунган ҳолда ишларарди. Натижаси ёмон эмасди.

Кўп йиллик тажрибамга асосланиб, баъзи бир фикрларимни ўртага ташламоқчиман.

Қонун қанчалик қаттиқ, шафқатсиз бўлса, жиноят шунча камайди. Шунинг учун қонунни қучайтириш керак. Суд ишини ҳам ўзгартириш лозим. Судда милиция ҳодимига кенг имконият берилмоғи, ҳодимларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш керак. Қуролни ишлатишдаги чегараларни ҳам йўқотиш зарур. Бўйсунмадимиз — гап тамом. Айби йўқ одам ҳеч қачон ҳодимга пичок билан еки бекорга ташланмайдик, ахир! Нега уларнинг бошини силашимиз керак энди.

Маълумки, юртимизда оқоийшталарни ўрнатмиш милиция ҳодимлари зиммасига тушмоқда. Масъулият катта бўлгач, ҳуқуқлари ҳам шунга яраша бўлсинди!

Э. НУКАРОВ.

Уят бўлди

Юртимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг сафлари тобора ортмоқда. Иқтисодий-иқтисодий ҳамкорликда юқори кўтариш учун астойдил жон куйдирувчилар шу ерда яшаб меҳнат қилмоқдалар. Ана шу ниятда Чирчиқда яшаётган азиз меҳмонимиз 23 октябрь кунини кечқурун шошлинча ИИБга кўнғироқ қилди.

ЖКБ катта оператив вакили Р. Чориев раҳбарлигидаги тезкор гуруҳ воқеа жойига етиб келди. Меҳмонимизнинг хонадонига тушган ўғирлар 470 минг сўмлик турли буюмлар билан бирга 300 доллар, 130 йен пулни ҳам ишлаб кетишганди. Гуруҳ ишга киришди. Кўплаб одамлар суриштирилди. Қўрганлару кўрмаганлар билан савол-жавоблар ўтказилди. Орадан олти кун ўтгач, ўғри Бишкек шаҳрида ушланди. Бунини қарангки, у ҳам Чирчиққа бир неча кунга меҳмон бўлиб келган экан. Бироқ ўша кунлари талай хонадонни тозаланинга шубҳа йўқ.

Ушбу жиноятни очибди ЖКБнинг оператив ҳодимлари Д. Назиров, Х. Абдураҳмонов, С. Исроилов, Ш. Ашур-метовларнинг хизматлари катта бўлди.

Маълум бўлишича, эгрликка қўл урган шахс ҳеч қаерда ишламас, муқаддам судланган экан.

— Ўғридан олинган бир қанча буюмлар эгасига қайтарилди. Кўп қисмини у сотиб улгурган экан, ҳозир қидирмоқдамиз. Лекин барибир меҳмоннинг олдида уят бўлди-да... Юртимиз ҳақида шундай фикрда кетса... — дейди ЖКБ оператив ҳодими, милиция катта лейтенанти Эркин Жўраев.

Нур БАДИА.

Жаҳон адабиёти хазинасидан

(Давоми. Боши газетанинг 64-101-сонларида chop этилган).

Бир оз вақт ўтгач, кимдир биқинимга туртди.

— Туртиш мумкин, — деди Хэмиш. Ўғирлиб унга қарадим ва аста ўрнимдан турдим. Энрайт чалқанчасига ётар, юзидаги ярадан қон тизиллаб оқарди. Костюми қонга беланган. Шубҳага ўрин йўқ: у ўлган эди.

— Уни ўлдирдингми? — Агар шундай қилмаганимда, у сени ўлдирадди, — деди у бепарвогина. — Кейин, балки мени ҳам.

— Бу ерда бошқалари ҳам бор, бешични қаватдаги навбатчи улардан бири.

Полициячи лифт томон кетди, Хэмиш эса:

— Бошқаларни қўлга олдик. Бизга қандай аёл қўнғироқ қилди?

Хайрон бўлиб унга қарадим.

— Аёл?

— Агар у бизни огоҳлантирмаганида нима жин уриб бу ерга келарди? — жаҳл билан пўнғиллади Хэмиш. — Қандайдир аёл қўнғироқ қилди. Ким у?

— Билмайман. Афтидан, мухлисларимдан бири бўлса керак.

Дахлизда хитойлик полициячилар уймаланишиб қолишди. Хэмиш уларга нималариндир буюрди-да, менга қаради.

— Кетдик, — деди у. — Бош инспектор билан гаплашиб олиш керак.

Полициячилар Энрайтнинг жасадини олиб кетишди, Хэмиш билан мен эса бизни кутиб турган машинага ўтирдик.

Полиция бошқармасида уч соатдан кўпроқ бўлдим. У ердаги ёғоч каравотда бир оз мизғиб ҳам олдим. Эрталаб соат тўртларда ўта чарчаган Хэмиш мени туртиб уйғотди.

— Ёр.

Инграганимча ўрнимдан турдим. Бошим ҳамон оғрирди.

— Яна нимани бошлаласизлар?

— Сени бош инспектор чақирапти. Нима, бу ерга ухлагани келганимсан?

Маккарти трубкасини бурқситар, олдида бир пиела чой бор эди. Полициячи менинг олдимга ҳам чой қўйди. Ҳоҳуза тортишдан ўзини зўрга ушлаб турган Хэмиш деворга сўяниб турарди.

— Денгиз полицияси Энрайтнинг катерида қочиб кетмоқчи бўлган одамни ушлабди, — деди Маккарти. — У билан анча овора бўлдик, лекин гапиришга мажбур қилдик.

— Америкалик эканми?

— Хитойлик, Кантондан. Жефферсоннинг иши билан шугулланаётганимиз учун сизни ҳам ўзимизга қўшмоқчи бўлдик.

— Раҳмат. Жефферсонни топганинглар йўқми?

— Ярим соат илгари кўрфаздан топилди, — Маккарти афтини буриштирди, — гаров боғлашим мумкин, ўтган сафар ҳалок бўлмаганига жуда пушаймон қилгандир. Дабдала қилиб юборишбди. Энди бизга ҳаммаси равшан. Билишимча, иш бундай бўлган. Жефферсон бу ерга келгандан сўнг Жо-Эннинг ифлос пуллари ҳисобига яшаган. Охир-оқибатда нега унга уйланганлигини билмайман. Балки, ортиқча гап-сўз тарқамаслиги учундир. Ҳар ҳолда Френк Беллинг билан биринчи марта учрашгандан сўнг уйланган.

Биласизки, Беллинг гиёҳванд моддалар контрабандасини ташкил этувчи асосий шахслардан бири эди. У Репала-Бэйдаги виллани ижарага олади. Вилладан мана шундай гаройиб тарзда фойдаланиш Лин Фэннинг хаёлига қаёқдан келганини билмайман. Вақти келиб буни аниқлашга ҳаракат қиламан. Вилла кўп микдорда наркотик моддалар тушириш учун жуда қўлай. Бандаргоҳ билан жиҳозланган, катери бор, чеккада жойлашган. Лекин Беллингнинг аҳволи тобора мушкуллаша бошлади. Уни ҳисса олиш ҳақида буйруқ келади. Уни кимдир огоҳлантиради ва у батамом хароб бўлмаслик учун Кантонга қочиб қолишга қарор қилади. Виллада эса унинг ўринбосари қолиши керак эди. У Жефферсонни ўша ерга қўчиб ўтишга кўндиради. Дарвоқе, уни кўндириш учун қаттиқ уриниш ҳам керак эмасди. Бу ерда Жефферсонни шоҳона ҳаёт кутаётганди. У Жо-Энни ташлаб виллага қўчиб ўтади. Беллинг Кантонга жўнаб кетади. У ерда икки минг унциядан (унция — 29,86 гр.)

кўпроқ героинни олиб ўтишни ташкил этади. Кечаси Беллинг виллага келиб, Жефферсонга жўнатилаётган юк ҳақида айтади. Шунча микдордаги героин бутун бир бойлик. Жефферсон уни ўғирлашга қарор қилади, аммо героинни кейин нима қилишни билмайди. Устига-устак контрабандачилардан кўрқар эди. Аммо таъбир жоиз бўлса, унга кузир қарталар тушади. Героин келтирилиб, виллада яширилади. Беллинг билан Жефферсон машинада Деки-Пассга жўнашади, у Кантоннинг яқинида. Йўлда фалокат рўй бериб, Беллинг ҳалок бўлади. Жефферсон бундай қўлай имкониятни қўлдан чиқармайди, Беллингнинг бармоғига ўзининг узугини тақиб, чўнтагига

керак эди. Лекин ким? Унинг хизматидан фойдаланганимда, мени тамоман қарама-қарши томонга бошлади. Жефферсон билан учрашишимга ҳалақит бериш ҳақида топириқ олганлиги аниқ ва бунга эришишга деярли муваффақ бўлди ҳам. Агар Лейла бўлмаганда, биз ҳеч қачон Энрайт тўғрисида умуман билмасдик.

— Жефферсон жасадни Америкага жўнатишларини истайдими?

— Шундай деб ўйлайман. Америка консулхонасидаги Вилкокс билан гаплашдим, барча ҳужжатларни текшириб чиқдим. Воннинг жасади топилмади.

— Ҳозирча излаяпмиз. Биз қўлга



сигаретдонини солиб қўяди ва машинани еқиб юборади. Фалокат кимсасиз ерда эрталаб соат тўртларда рўй берган бўлиб, ҳеч ким ҳеч нима сезмайди. Жефферсон ўғирланган велосипедда виллага қайтади ва афтидан героинни "Самовий салтанат" меҳмонхонасига олиб кетади. Мен қандайдир даражада тусмоллаб гапираяпман, лекин Беллингнинг жасади ҳақида ёлғон гапиришга хотинини кўндирганига аминман. Кейин Каулуннинг хитойликлар яшайдиган районида яшириниб олган.

— Нима учун шундай қилган?

— У шоша-пиша ҳаракат қилган.

Имкон тугилиши биланоқ фойдаланиб қолган-у, сўнгра ўзи вазият қўрбони бўлган. Контрабандачилар ҳам жим ўтиришмаган. Фалокат тўғрисида эшитишлари биланоқ ўз вакилини виллага юборишда ва героин беиз йўқолганини аниқлашади. Табиийки, героинни Беллинг ўғирлаган деб ҳисоблаб, излай бошлайдилар. Жефферсонга бу қўл келади. Контрабандачилар Беллингни ахтариб юрган пайтда у ташвишланмаса ҳам бўлаверарди. Лекин у Гонконгдан чиқиб кетиши керак эди. Бунинг иложи бўлмади. Уни ўлган деб ҳисоблашарди. Қалбаки паспорт топиш эса ўзининг қўлидан келмади. Ана шундай қилиб балага қолди.

— Героин-чи?

Маккарти қовоғини уйди.

— Буни ҳеч қачон билолмаймиз, деб ўйлайман. Жефферсоннинг жасадини топганларида, у шундай аҳволда эдики, гаров боғлашим мумкин: героин қаерда эканлигини билиш учун контрабандачилар роса қийнашган.

— Жо-Эн нима учун Беллингнинг мурдасини Жефферсоннинг отасига олиб кетганига ҳайронман.

— У Гонконгдан чиқиб кетиши керак эди. Пули эса йўқ. Жасадни олиб бориш учун эса қария яхши ҳақ тўлаган.

— Тўғрига ўхшайди. Вонг-чи?

— Контрабандачилар гуруҳидаги одам, лекин Жефферсонга ўралашиб панд еб қолди.

— Айнан Вонг мени аэропортда кутиб олган эди. Келишимни қаердан билган? Кимдир унга хабар қилиши

туширган хитойлик иккала мурда ҳам бир жойга ташланганлигини айтди.

Қойил бўлиб унга қарадим.

— Афтидан ишончли далиллар топган кўринасиз. Аксинча у йигит тўтиқушдек бир нарсани такрофлайверармиди.

— Бу хитойлик анча баджаҳл экан. Денгиз полицияси ярим соатдан кейин менга юборди. У ўз оғайнисини пичоқлашга уринган.

— Сиз эса уни тезгина тинч-читгансиз.

— Ҳа, биз бунинг урдасидан чиқа оламиз, — бу мавзу унинг жонига текканга ўхшарди. — Дарвоқе, Сильвер-Майн-Бэйда отиб ўлдирилган хитойлик тўғрисида ҳеч нарсаси билмасизми? — деб тил-ёғламалик билан сўради у. — Уни Ли-Энфильд милтиги билан бошига отишган.

— Шундайми? Пиеда қўшинлар сафида хизматни тугатганимдан бери Ли-Энфильдга рўпара келмаганман.

— Мен уни сиз отгансиз деган фикрга борганим йўқ. Лекин шу кунни ўша ерга борганимиз?

— Борганлигимни рад этолмайман. Шаршарани томоша қилувдим.

— Жасадни худди ана шу жойдан топишган.

— Шунақаси ҳам бўладими?

— Отишмани эшитмадингизми?

— Бирорта ҳам ўқ овозини эшитганим йўқ.

Маккарти диққат билан менга тикилиб турди-да, сўнг елкасини қисди.

— Агар бирор нарсаси эшитган бўлганингизда бизга хабар қилишингизга шубҳам йўқ.

— Сиз батамом ҳақсиз.

Орага узок сукунат тушди. Хэмиш трубкасини чиқариб, тамаки сола бошлади.

— Энрайтнинг синглиси бор, — деди Маккарти. — Гўзал аёл. У ҳозир қаердалигини билмайсизми?

— Виллада, ўз тўшагидега ётгандир, деб ўйлайман, мен ҳам ҳозир унинг ёнида ётишга йўқ демас эдим.

— У виллада йўқ... Текширдик. Уни охирги марта қачон кўрган эдингиз.

— Сильвер-Майн-Бэйга кетаётганимизда — солда. У ўзининг собик кекса оқсочига озиқ-овқат олиб кетаётганди. Йўлда ҳамроҳ бўлувдим.

— Шундан кейин кўрмадингизми?

— Тасдиқ жавобини бера олмайман.

— Ўйлашимча, Энрайт сизнинг хонангизда эканлигини бизга хабар қилган аёл шу бўлса керак.

— У шундай қилиши мумкин. Оққўнғил аёл.

Маккарти тўсатдан жимланди.

— Майнавозчилик қилманг, Рейн. Бизга ҳаммаси маълум. Унинг исми Стелла Мэй Тиан. Раққоса, Сингапурдаги тунги клубда ишлаган. Ўша ерда Энрайт билан яқинлашиб қолган. Бу ерга қалбаки паспорт билан келган.

— Хўш? — сўрадим мен ундан кўзимни узмай.

— У бизга меҳмонхонадан — сизнинг ваннахонангиздаги телефон орқали хабар қилганини аниқладик. Соат ўнда хонангизга кўтарилаётганини кўришган, ҳозир ҳам ўша ерда деб ўйлайман.

— Эҳтимол... Ҳар ҳолда бунга умид қиламан, — дедим мен. — У менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Шундан сўнг мени уни сизларга тутиб беради деб ўйладингизми?

— Полицияни алдаш ақлдан эмас, — жавоб қилди Маккарти қуш пати билан трубкасини тазалар экан. — Аммо ҳаётингизни сақлаб қолиш билан бирга бизга контрабандачилар ташкилотини йўқотишимизга ҳам ердан берди. Унга айтинг, эртага кечқурун жўнаб кетсин-да, бу ерда бошқа қорасини кўрсатмасин, биз тўсқинлик қилмаймиз. Бу ердан кетиши учун йигирма тўрт соат вақти бор. Агар кеч қоладиган бўлса, қайтадан шугулланишга мажбур бўламиз.

— Раҳмат, айтаман. Ўзим ҳам кетмоқчиман. Бу ерда қиладиган ишим қолмади. Гарчи Жефферсоннинг хотинини ким ўлдирганини аниқламаган бўлсам ҳам. Лекин бу одам ким бўлишдан қатъий назар, Пасаденадалиги аниқ. Бу ерда олган маълумотларим қотилини топишга ердан беради. О'кэй, кетишга ижозат берасизми?

— Бораверинг, — деди Маккарти. — Тезроқ меҳмонхонага бориб, бир оз ухлаб олишни шундай орзу қилаяпманки!

— Агар оймча ҳали ҳам хонангизда бўлса, ухлай олишингизга кўзим етмапти, — деди Маккарти менга айёрони кўз қисиб.

— Ҳаёлингизни банд қилаётган нарсаларни қаранг, — дедим ўрнимдан турар эканман. — Меҳмонхонага машинада элтиб қўйишга олмайдими?

Маккарти Хэмишга қаради.

— Обориб қўй. Кўрмаясанми сабри чидамаяпти, — деди-да, столда турган бир тўп қозони олдида суриб олганича ўқишга тушди.

Меҳмонхонага қуёш тоғ ортидан мўралай бошлаганда етиб келдим. Ўз қаватимга кўтарилаётиб, аввал ҳеч кўрмаган хитойликдан калитимни олдим.

Эшикни очиб, хонага кирганимда чироқ ўчирилмаган эди.

Стелла курсида мудраб ўтирарди. Олдига келганимда уйғонди, кўзларидега ташвиш.

— Тинчланинг, — дедим. — Энди ҳеч нарсадан қўрқмасангиз ҳам бўлади.

— Нима бўлди? Отишма овозини эшитдим. Сизни ўлдиришди деб ўйловдим.

Ўзимни курсига олдим.

— Менга катта ердан бердингиз.

Раҳмат.

— Нимадир қилиш керак эдику, ахир. Қўнғироқ қилаётганимни эшитиб қолади деб жоним ҳалак бўлди.

— Хуллас озунигиз ушаладиган кўринад: шу кеча-кундуз ичида уйингизга жўнаб кетишингиз мумкин. Ҳаражатларни мен тўлайман. Полиция ҳалақит бермайди. Ўзингизнинг ҳақиқий паспортингиздан фойдаланганингиз маъқул. Йўқотганингиз йўқми?

У енгил тин олди.

— Йўқотмаганман. Гарри қани?

— Омади келмади. Полициячилар қуролни ундан яхши ишлатишар экан. Шундай бўлгани балки яхши ҳамдир. Қамоқхонада кун кўриши осонми!

У сесканиб кетди.

— Ўлдиришдингми?

— Ҳа, ўлдиришди. Ухлагим келяпти. Бориб ювинаман-да, пинакка кетаман. Сиз ўринга ётинг. Мен курсига жойлашаман.

Ваннага кириб, душ қабул қилдим.

Ўзимни анча қариган ва ҳориган ҳис қилардим. Меҳмонхонага чиқдим.

Стелла уст-бошини ечганича, ўрнида етиб мени кутарди. Биз бир-биримизнинг кўзимизга тикилиб турдик, сўнгра қўлларини менга

қўзди... Орадан бир қанча вақт ўтгач, унинг қучоғида уйқуга кетдим...

Ҳаммаси — тер билан дезинфекциянинг бадбўй ҳиди ҳам, яшил ранга бўялган йўлақлар ҳам, оғир этикларнинг гурсиллаши ҳам, менга ҳеч қандай эътибор бермаётган полициячиларнинг тош қотган башаралари ҳам таниш эди.

Лейтенант Ретникнинг хонаси олдида тўхтаб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан итнинг вовуллашига ўхшаш овоз эшитилди. Хонага кирдим.

Ретник курсида ўтирар, сержант Пальский эса деворга суянганича, гургурт чўпи билан тишларини қовларди.

Иккаласи менга бақадай тикилиб қолишди, сўнгра Ретник бармоқлари сидқидилдан маникюр қилинган қўллари билан столга қарсиллатиб урди.

— Кимни кўраяпман, — хитоб қилди у ҳеч кимга қарамай. — Мана бунни қутилмаган воқеа деса бўлади. Агар келишингни билганимда шахар оркестрини тақлиф қилган бўлардим. Ўтир. Хитойлик фоҳишалар билан маза қилгандирсан?

— Йўқ, — жавоб бердим ўтирар эканман, — бунга вақт бўлмади. Хўш, қалай қотилик тафтишини тугалладингларми?

Ретник қутидан сигара олиб, учини кесди, менга тақлиф қилмади.

— Ҳозирча йўқ... Сен-чи, бирор нарсанинг ҳидини билолдингми?

— Баъзи нарсалар бор. Сизларда ҳеч вақо йўқми?

У қовоғини солганича сигарасини тутди.

— Хардвикни топишга ҳаракат қилаяпмиз. Сенда нима бор?

— Жо-Эн олиб келган тобутда мурда бор, лекин у Жефферсоннинг жасади эмас.

Ретник донг қотиб қолди. Тутун тикилганидан сўйиниб, сигарасини қулдонга қўйди-да, ифлос рўмолчага бурнини қоқди. Сўнгра уни чўнтагига солиб, курсига ястаниб ўтирганича тутундан ёшланган кўзларини менга қадади.

— Менга қара, аблаҳ, гапларинг тасдиқланмаса сен катта кўнгилсизликларга учрайсан. Ваъда бераман.

— Герман Жефферсон бундан икки кун олдин ўлдирилди. Унинг жасадини Гонконгнинг яқинида денгизга ташлаб юборишган экан. Британия полицияси мурдани топиб олди. Жасадни ҳафтанинг охирида самолётда бу ерга юборишади.

— Ё парвардигор, ўзинг асра! Тобутда ўшанда ким эди, бўлмас?

— Гиёҳванд моддалар контрабандасига алоқаси бўлган Френк Беллинг исмли инглиз йигит.

— Сен ҳали қари Жефферсон билан гаплашганинг йўқми?

— Ҳозирча йўқ. Аввал бу ерга келдим. Энди уикинга бораман.

Ретник Пальский томонга бурилди. У бошигига ҳангу-манг бўлганича қараб турарди. Шунинг учун Ретник яна менга ўтирилди.

— Майли, гапириб бер, — буйруқ қилди у. — Ҳаммасини. Э, тўхта! Шошмай тур. Ёзиб олиш керак. — У телефон трубкасини кўтариб, мирза юборинглар деб бақирди. Мирза келишини кутаётганимизда, қовоғини солиб, асабийлашганича сигарасини чайнаб ўтирди.

Ёшгина полициячи кириб бир четга бориб ўтирди ва дафтарини очиб, аввал менга, сўнг Ретникка саволмуз қаради.

— Бошла, — пўнғиллади Ретник. — Гапир, аблаҳ! Ҳеч нарсани яширма. Ҳар бир сўзингни текшириб чиқаман, агар ёлғон гапирганингни билиб қолсам, отанг ҳирсга берилиб, сени дунёга келтиргани учун ёлғиз ўзинг жавоб берасан.

— Овозингни ўчир, Ретник, — бирданига жаҳлим чиқиб кетди. — Жефферсон ерданингни кутяпти, бир оғиз гапим билан сенга кўмаклашиб юборишим мумкин.

Пальский бир зумда деярли қапишиб олган девордан гавдасини узди. Ёш полициячи ҳаяжондан кўзларини пирпиратиб, атрофга алангларди. Лекин Пальский суробимни тўғрилаб қўядиган зарба беришга улгурмасидан, Ретник йўлини тўсиб, итариб юборди.

— Ўпкангни бос, — ўқирди унга лейтенант, менга эса: — Тинчлан, аблаҳ, — деди. — О'кэй, гапларини қайтариб оламан. Бунчалик нозикойим бўлмагин-да. Бошла.

(Давоми бор).

ЧОРШАНБА
25 НОЯБРЬ

ЎЗТВ

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Муножот". Фильм-концерт. 8.05 "Қадимги шўхликлар". Бадий фильм. 9.20 Турк тили. 9.50 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Телеойнома". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. ЭХМ ва унинг ишлаш принциплари. 11.00 "Таллинндаги карнавал". Телефильм. 11.30 Ўқитувчилар. Сизлар учун. Информатика ўқитиш муаммолари.

18.00 Янгилар. 18.10 "Паҳмолқўй". Мультфильм. 18.20 Болалар учун. "Доно бобо даврасида". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қадрият". 19.50 "Қўшиқ рақса уланса". Мусикий кўрсатуви. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 "Доиранинг доғруғи". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Талбат Сайфуддинов. 22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.50 "Шошилини чакирув". Бадий фильм. 00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

18.30 "Уолт Дисней таништилади...". Мультфильмлар тўплами. 19.20 Спринг. 19.40 Рақслар, рақслар. 20.40 "Йирик планда". 21.40 "Ишбилармонлар". 22.20 "02" тўлкинида. 22.45 Регби бўйича Марказий Осиё чемпионати.

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.55 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 10.50 Мультфильмлар: "Икки эртақ", "Хамма гап шляпада". 11.20 "Рок-сабоқ". 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Қомиз жазман ёки сэр Жон Фальстафининг ишқий эрмаклари". Телевизион бадий фильм. 13.35 "Бахтли киргоқ". Телевизион бадий фильм.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.20 "Майя ариси". Кўп сериали мультфильм. 17.10 "Рок-сабоқ". 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Штраус номли Вена камер оркестрининг концерти. 19.25 Мультфильмлар. 20.00 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. АКС (Ростов) — "Самотлор". 21.55 Футбол. УЕФА кубогини 1/8 финал. "Динамо" (Москва) — "Бенфика" (Португалия). "Торпедо" Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — "Хеч нарса ҳақида репортаж". 24.00 Янгилар. 00.35 Футбол. Европа чемпионлари кубогини. "Брюгге" (Бельгия) — "МАСК". Бельгиядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 "Ватаним менин". 9.55 Параллеллар. "Юзма-юз". 10.10 "Қайтиш". 11.05 "Антрeприза". В. Стрельчик А. Арбузовнинг "Эскирган комедия"сида. 11.50 Мультфильмлар. 12.00 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 103-сери. 12.50 Мультфильмлар. 13.05 "Бурда моден" таклиф этади... 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала".

15.55 "Сигнал". 16.10 "Смирновлар оиласи. "Бундан буён қандай яшаш керак?" Телефильм (Австрия) 16.55 Янгилар. 17.10 Трансросэфир. "Узоқ Шарк". 17.55 Ўзлонлар.

18.00 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Монстр". Хужжатли телесериал премьераси (Россия — АҚШ). 5-фильм. — "Сталин ва уруш". 23.20 Парламент хабарномаси. 23.35 "Мен бошқа бундай мамлакатни билмайман". Жанубий Африка Республикаси. 24.00 "Сатирикон" студияси. 00.45 Бугун Россия Федерацияси Олий Кенгашида.

ПАЙШАНБА

26 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Шарқнинг етти гўзали". Фильм-концерт. 7.55 "30 ешга тўлганда". Бадий фильм. 9.20 Араб тили. 9.50 "Нафосат оламида". Кинопрограмма. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.



Органик олам эволюциясининг асосий йўналишлари. 11.00 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда жадидлар ҳаракати. 12.00 Болалар учун. "Кичкинтой" студияси кўрсатади.

18.00 Янгилар. 18.10 "Қоқиғул". Мультфильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 "Чорвадор". 19.45 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Икрома Болтаева. 22.00 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.30 "Аждаҳо ови". Бадий фильм. 00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ"

СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Иқтисодчилар мактаби". 19.40 Мусикали дақиқалар. 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу охшомда". 21.30 "Пульс". Хабарлар. 21.40 Ўзлонлар. "Кинонингоҳ".

"ОРЕБИТА IV"

5.55, 15.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 Футбол. Европа чемпионлари кубогини. 12.00 Янгилар.

Кундузги киноэкспресс

12.20 "Имтиҳондан олдин". Телевизион бадий фильм. 13.25 "Сайроқи куш кимниқига кўнди". Телевизион бадий фильм.

*

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.20 "Майя ариси". Кўп сериали мультфильм. 17.10 Болалар телевидениеси ассоциацияси. "Тўрт сеҳрлар бешиги". Минск шаҳри. 17.50 "Матбуот-экспресс". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.20 "...16 ешгача ва ундан катталар". 19.00 Давлатлараро "Останкино" телеканали таништилади. 19.30 Футбол. Европа чемпионлари кубогини. 20.20 "Бойлар ҳам йиғлайди". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. Якуновчи серия. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Бориб, қайтиб келмасдан...". Телевизион бадий фильм премьераси ("Беларусьфильм"). 22.35 Қора қути. 23.05 Эфирда мусика. Танаффус пайтида (24.00) — Янгилар. 01.25 Волейбол. Россия чемпионати. Эркалар. Самотлор — МГТУ.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 "Монстр". Хужжатли телесериал (Россия — АҚШ). 5-фильм — "Сталин ва уруш". 9.40 Ишдан бўш пайтингда. 9.55 "Тилла шпора". 10.25 "Сатирикон" студияси. 11.10 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм. 104-сери. 12.00 "Пилигрим". Россия саёхатлар бюроси. 12.45 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 12.50 "Дехқонларга тааллуқли масала".

15.55 "Бозорни ўрганамиз". 16.25 "Рост" студияси. "Мусикий синф". 16.55 Янгилар. 17.10 Трансросэфир. "Москвадан олисда". 17.55 Ўзлонлар.

18.00 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 "Ватаним менин". 23.20 "Композиторнинг портрети". Г. Баншчиков. 23.50 "Джаз-филармоник-холл" (Швеция). 00.20 "К-2" таништилади. "Кетсанг кетавер". Бадий фильм. "Кинограф". "Ню".

ЖУМА

27 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Севги тароналари". Фильм-концерт. 7.55 "Шошилини чакирув". Бадий фильм. 9.30 "Юлдуз" пахта навининг истикболи. 10.00 "Ешлик" студияси кўрсатади. "Нишона".

18.00 Янгилар. 18.10 Болалар

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадий фильм. I-сери. 9.25 Спорт кўрсатувлари. 1. "Шохрух" клуби. 2. Ўзбекистон спорти. 10.25 "Алифбо сабоқлари". 11.00 "Инсон саломатлиги ва атроф-муҳит". 11.40 Қорақалпоғистон жумҳурияти санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти. 12.25 "Анъана ва замон". Халқ хунарамандчилиги ҳақида. 13.35 Тижорат канали. "Чўл миришкорлари". 14.05 Азиз Несин. "Ҳажвий новелларлар". I-қисм. 15.20 "Тиним билмас дехқон қўллари".

18.00 "Нима бўпти" лақабли бегемот ҳақида. Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Дўстларимиз таронаси. 19.55 "Шоирлар — болаларга". Усмон Носир. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Мархабо, талантлар!". Ўзбекистон Республикаси бадий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Тошкент вилояти. 22.30 "Хамроз" Бадий фильм. I-сери (Хиндистон). 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00 — 14.00

17.00 — 23.30

"ОРЕБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.30 "Моторлар оламида". 9.00 "Марафон-15 — кичкинтойларга". "Менин жажжи тоёғим". Кўп сериали мультфильм премьераси. I-сери. 9.25 "Эльдорадо". 9.55 "Шанба кунги дастхат". 10.25 "Иш". 10.35 Инсон институти. 11.05 "Авиакосмик салон". 11.20 "Услуга". 11.50 "Номатум Осиё. Князь Шарқдан келадими?". 12.20 "Мусикий дўкон". 12.50 Мусикий видеофильм премьераси. 13.55 "Снесат" студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокидаги АҚШнинг "Танлаш эркинлиги" кўрсатувини таништилади. 2-кўрсатув. 14.30 "Теледидомалар". Мусикий кўрсатув. 15.00 Янгилар. 15.25 "Матбуот-экспресс". 15.35 "Камалак жололари". "Камалак" халқ ижодиети телекўрсатувлари фестивалининг якуновчи кўрсатуви. 16.35 Европа рус маданияти марказининг очилиши. 16.45 "Кизил квадрат". 17.25 "Дракулино-вампирча". Кўп сериали мультфильм премьераси. 18.20 "Ижтимоий воқеалар ва муросан-мадоралар ҳақида". Д. Хармс ҳикояси асосида мультфильм. 18.25 "Марианнани кўмсаб". Телефильм премьераси. Вероника Кастронинг Москвада бўлиши ҳақида. (Кинокўрсатувлар ҳамда "Интервидео" коммерс студияларининг биргаликдаги маҳсулот). 19.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Биринчи қонгача". Бадий фильм (М. Горький номли киностудия). 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Бахтли шаҳзода". Катталар учун мультфильм. 21.40 "Брайн-ринг". 22.35 "Максима". 23.00 "Европа-плюс". 24.00 Янгилар. 00.40 "Лев Гурич Синичкин". Телевизион бадий фильм.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ифодалаш санъати. "Нобуаки Мураоканин ойдин йўли". 8.50 "Эскулап". 9.00 "Дилхаш суҳбатлар". 2-кўрсатув. 9.30 "Агар сиз...". 10.00 "Плюс ўн бир" видеоканали. 11.15 Кундузги сеанс. "Табиининг шоғирди". 12.40 "Дораэмон". Мультфильм премьераси.

*

12.55 — 17.30

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

17.30 "Бола тилида". 18.00 Хабарлар. 18.20 Ўзлонлар. 18.25 "Маски-шоу".

*18.55 — 22.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 Хабарлар. 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 Тунги сеанс. "Профессор Доуэль васияти". Бадий фильм. 00.05 "Овросиё" телевидениеси таништилади: "Котлик вақти". Бадий фильм (АҚШ).

ЯҚШАНБА

29 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 Турсунбой Парий куйлайди. 7.35 "Нукус". Телефильм.

8.00 "Туркистон" ахбороти. 8.30 "Пан Кляксанинг саргузаштлари". Бадий фильм. 2-сери. 9.50 Чим хоккей бўйича Ўзбекистон кубогини. Аеллар. 10.20 "Экран зийнати".

Кинокўрсатув. 12.05 Мактаб ўқувчилари учун. "Кувнок старлар. 13.10 "Иқтисодий ҳамкорлик йўлида". 13.40 Болалар учун. "Муъжизалар маскани". 14.40 Тижорат канали. "Саноатимиз одимлари". 15.10 Азиз Несин. "Ҳажвий новелла". 2-қисм.

18.00 "Катта саёхат". "Ёртикулок" ва ялқовлар. Мультфильм. 18.30 Болалар учун. "Табиаат алифбоси". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Куй — дил малҳами". Мусикий кўрсатув. 19.55 М. Зошченко. "Туй". Теленовелла. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.00 "Хамроз". Бадий фильм. 2-сери.

23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Қирғизистон телевиденисининг болалар студияси намойиш этади. Программада: "Хуш хабарлар", "Оспурум", "Тигиз пайт", бадий фильм; мультфильм.

18.05 "Бремен созандалари". Мультфильм. 18.25 Телетомошабинлар талабларига биноан концерт. 18.55 Катталар учун мультфильм. 19.00 "Ала-Тоо". 19.20 М. Карим. "Ой тутилган тунда". Қирғизистон Давлат академик драма театрининг спектакли. 21.45 "Канизак Изаура". Кўп сериали бадий телефильм. 6-сери (рус тилида).

"ОРЕБИТА IV"

6.20, 15.15, 18.40, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 6.25 "Рухни чиниктириш". 7.25 "Тилла оху". Мультфильм. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спортлото" тиражи. 8.45 Жаҳон халқлари ижоди. "Тибетнинг одамлари ва худолари. 9.15 "Эрта сахарлаб". "Денвер — динозаврларнинг энг охиригиси". Кўп сериали мультфильм премьераси. 9.45 "Соло". 10.15 "Хозирча ҳаммаси жойида". Дам олиш кўрсатуви. 10.45 "Ақлли болалар ва "Ақлли қизлар" руқининг премьераси. 11.25 "Пин" белгиси билан. 12.25 "Қора кўрмак от саргузаштлари". Болалар учун кўп сериали бадий телефильм премьераси. 12.40 "Янги авлод танлайди". "КТВ-1" ҳамда "Франс-интернэшнел" канали таништилади.

13.30 "Пиф ва Геркулес". Кўп сериали мультфильм премьераси. 13.40 "Қусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп сериали хужжатли фильм премьераси.

*

14.30 "Волхонкадаги уй. Кўп сериали телефильм премьераси. 7-фильм. 15.00 Янгилар. 15.20 Саёхатчилар клуби. 16.10 Хунари хор бўлмади. 16.20 "Уолт Дисней таништилади...". 17.10 "Технодром". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.00 "Панорама". Хафалик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.00 "Актёрлар, актёрлар, актёрлар...". Яқша кинокўрсатувлари 20.00 Киношарҳ. 20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Карнавал воқеаси" Бадий фильм (АҚШ. 1954 й).

*

22.00 "Яқунлар". 22.45 "Телелояца". 23.00 "Эндиликда". Диний кўрсатув. 24.00 Янгилар. 00.20 "Тонг юлдузи" тунги эфирда.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 "Спорт олами "Жиллетт" фирмаси нитогхи билан". 8.50 "Шажа". Хужжатли фильм премьераси. 9.40 Фольклор. "Номатум маданиятлар". 10.10 "Олти сотих". 10.30 "Қиролликдаги саргузашт". Қўғирчоқ мультфильм. 14-сери.

*

11.00 — 14.55

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ

14.55 "Рост" студияси. "Гуф фи-Геймз". 15.45 "Познер ва Донахью". 16.45 Стас Намин (Эс-Эн-Си) маркази таништилади: "Сарик сувости кемаси" клуби.

*

16.50 — 20.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.20 Спорт кўрсатуви. 20.25 Голливуд классик фильмлари фестивали. 22.00 Хабарлар. 22.25 Ўзлонлар. 22.30 "Ҳар бир кун байрам". 22.40 "Монстр". Кўп сериали хужжатли телесериал премьераси (Россия — АҚШ). 7-фильм — "Иосиф Сталиннинг шахсий ҳаёти". 23.35 Парламент хабарномаси. 23.50 Рақс марафони. Бал рақслари бўйича жаҳон чемпионати.

("Тошкентдан гапирганимиз ва кўрсатамиз" дастуридан олинди).



1920 йил февраль ойида Яккабоб беклиги ағдарилиб, ҳокимият шўролар қўлига ўтди. Даставвал ҳокимиятни Ашур сардор ўз ёнига 35-40 чоғли йигитларни йиғиб, бошқариб борди. Шу йилларда милиция бошлиғи Одил Мирзаев эди. 1924 йилнинг апрель ойлари бўлса керак, беклик биносига навбатдаги шиддатли жайғдан сўнг ҳорғин Ашур сардор бошчилигидаги отряд жангчилари кириб келишди.

Милиция бошлиғи уларни яхши кўтиб олиб, отларига ем, ўзларига овқат келтиради ҳамда қурол-яроғларини алоҳида хонага қўйиб, дам олишни таклиф қилади. Шундан сўнг Одил Мирзаев Шахрисабз яқинида бўлган Жабборбек тўдасига хабар етказди. Тонг отар пайтида Жабборбек йигитлари билан қалъага бостириб кириб, Ашур сардор одамларини қириб ташлайди.

Эртаси куни Ашур сардор ва "Марксизм" жамоаси раиси Шукр оқсоқолларни тут дарахтига боғлаб ёқиб юборишди. Шундай қилиб, яна ҳокимият Жабборбек қўлига ўтди. Бу воқеадан хабар тошган Қизил Армия солдатлари Шахрисабз давонидан олиб ўтиб, Яккабоб қалъасига бостириб киришга муваффақ бўлишди. Шиддатли жанглар бошланади. Шу ерда яшовчи, айни пайтда 86 ёшли фуқаро Тожи Раҳимовнинг гувоҳлик беришича, қонлар ариқдаги сувдек оқа бошлаган. Ҳар икки томондан 700 кишилар чамаси қурбон бўлган. Жабборбек тўдаси таг-томири билан янчилишдан сўнг қочиб қолган.

Милиция бошлиғи Одил Мирзаев сотқинлиги учун қамоққа олиниб, суд ҳукми билан отиб ташланган. Бу воқеаларни эътиборга 14 ёшга чиққан Юсупжон ўз кўзи билан кўриб, меҳнаткаш халқнинг осойишталигини таъминлашни ўзига мақсад қилиб қўйган эди.

Юсупжон 1933 йилнинг ёз ойларида участка назоратчиси бўлиб милицияда ишлаб бошлади, кейинроқ жиноят-қидирув вакили вазифасида хизмат қилди. 1934 йилда вилоят милиция бошқармасига ишга қақариб олинди. У ерда бошқарма бошлиғининг муовини бўлиб ишлади. Бир йил ўтар-ўтмас Китоб райони ички ишлар бўлимига бошлиқ қилиб тайинлашди. Бу ерда ахвол жуда оғир бўлиб, уя куриб олган жиноятчилар халқни талашар, ўғирликлар содир қилишар эди.

Икки йилдан буён жиноятчилар томонидан содир этилган қаллобликларни фой қилиш Юсуп ака Ниёзовнинг чекига тушган эди. Даставвал у киши ишни райондаги оператив ҳолатни ўрганишдан

бошлади, эринмасдан отда қишлоқма-қишлоқ юриб, фуқаролар билан суҳбатлашди. Жабр кўрган кишилар билан алоҳида-алоҳида мулоқотда бўлди. Шундай суҳбатларнинг бирида Нуриддин деган киши диққатини тортади. Унинг каклиги ўғирланган эди. Бир кун аввал Юсуп ака Қорахони қишлоғига борганда, бир кишининг ҳовлисида йиғирмага яқин какликнинг қафасда сақланиб, парвариш қилинаётганини кўрган эди.

Шундан сўнг "каклик" тадбирига тайёргарлик бошланиб кетди. Нуриддин ўзининг каклигини яхши танир ва ўзига ўргатиб олган эди, қушлар дунёсига қизиқиши жиноятни фой қилишда қўл келди.

Шундай қилиб, 17 кишидан иборат ўғирлар тўдаси қўлга олинди.

— 1943 йил эди, — деб ҳикоя қилади Юсуп ака, — ички ишлар бошқармасида ишлаб юрган пайтларим эди. Бир тўда жиноятчилар Нишон, Ғузор, Деҳқонобод томонларда қатор босқинчиликлар қилишиб, тутқич бермасдан келишар эди. Ҳарбий хизмат қисмидан қурол ўғирлаб қочинган. Деҳқонобод районидagi қолхоз раисларидан бирини ўлдириб, шу ҳудуддаги шўро раисини ҳам чавақлаб кетишганлиги маълум бўлди.

Учинчи кун жиноятчиларнинг келишаётганлигини пайқаган Юсуп аканинг йигитлари бўладиган шиддатли олишувга шай бўлиб туришар эди.

Бир неча дақиқа ўтар-ўтмасдан жанг бошланиб кетди. Яхши қуролланган жиноятчилар қаттиқ туриб қаршилиқ кўрсатишар эди. Шунда Юсуп ака баланд овозда уларнинг қаршилиқ кўрсатиши фойдасиз эканлигини айтиб, таслим бўлишни талаб қилди. Олишув анчадан буён давом этаётган бўлсада, ғалабанинг дарағи кўринмас эди. Шундай жангларнинг бирида гуруҳ бошлиғи, жиноятчи Қурбонкул Хизиев нишонга олиб отган ўқ Юсуп аканинг пешонасига тегишига оз қолди. "Бошимдаги фурашкани учириб кетди", — деб хотирлайди у.

Жиноятчилар қўлга олинди. Хизматлари учун Юсуп Ниёзовга бошқарма бошлиғи томонидан қилич ва қимматбаҳо совға берилди.

Айни пайтда Юсуп Ниёзов қарилқ гаштини суриб, неваралари даврасида Яккабоб қўрғонига фаровон ҳаёт кечирмоқда. От изини той босади, деганидек Юсуп аканинг ўғли ота касбини таллади. Айни пайтда милиция капитани Илҳомжон Деҳқонобод райони ички ишлар бўлимида самарали хизмат қилиб келмоқда.

Баҳриддин АЛИҚУЛОВ.

ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1992 йил 27 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Мирзо Улугбек районидagi Циолковский кўчасида жойлашган район озиқ-овқат савдосига қарашли 35-дўкандан 20 метрлар чамаси олисликда номаълум эркак кишининг жасади топишган. Аммо унинг шахси ҳозиргача ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Белгилари: 35-40 ёшда, осие миллатига мансуб, ўртача қоматли, бўйи 174 сантиметр, сочлари қора, олдинги тўртта тиши (юқоридаги) сариқ рангли металлдан. Алоҳида белгилари йўқ.

Уст-боши: узун энгли зангори кўйлак, тўқ рангли шим кийган.

Юқоридаги белгилар орқали марҳумни таниганлар ёки у ҳақда бирон-бир маълумотга эга бўлганлардан қуйидаги рақамли телефонлар орқали хабар



беришларини сўраймиз: 56-76-46, 56-97-81, 56-97-82.

Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ.

“ОЛИНГ, БИРИНЧИ...”

Қуйида менинг ёзганим, сизнинг ўқитганингизга бир суҳбатнинг гувоҳи бўлиб қолганлигим сабабчи бўлди.

Ҳозир қайси кўчадан, йўлкадан юрманг, (мен пойтахт шахримиз кўчаларини назарда тутяпман), пешонангиз тақ этиб тижоратчига урилади. Ёки эски гап билан айтадиган бўлсак, дарахтни бир тепсангиз, дув этиб тижоратчи тўкилади. Бу дунёда нимаики бор сотиб ўтиришди. Етти ухлаб тушингизга кирмаган (саккизинчисиди ҳам кириши даргумон) нарсаларни пештахталарига териб ташлашган. Бу яхши албатта. Инсоннинг ҳожатини чиқариш савоб. Аммо...

“Яхши киз, олинг, арзон қилиб бераман. Ўзи оз қолди. Как раз сиззи размериз, биринчи”.

Аваллига баралла эшитилиб турган бу овозга унчалик аҳамият бермадим. Бирортаси юбка-мубка сотаётгандирда деб ўйловдим. Лекин биринчи размерли юбка ҳам бўларканми деган фикр калламга келиб урилдию, овоз келган томонга шундоқ қарасам... Сотувчини нақ Алпомишининг ўғли дейсиз. Кетмондек келадиган кафтида ҳалиги “туянинг ўркачи”. Нархини сўраб, балога қолган қизгина ҳам “адашасиз, бу менга кичиклик қилади” дедию, бурилиб кетворди.

Сотувчи ўта сурбет экан.


— Сизга нолинчи ҳам катталиқ қиладику яхши киз, — деб хоҳолади кизнинг орқасидан.

Турган жойимда қаққайиб қолдим. “Дуппа-дуруст йигит.

Пахтага солсангиз тонналаб териб ташлаши мумкин. Ўзбекман деганининг қонида ор, гурур чашмалари қўшилган бўларди. Бу йигит уларни қўлидаги қўшиб сотворган шекилли”. Файласуфона хаёлларимни атрофдагиларнинг турткиси тўзғитиб юборди.

Аваллари “Отчопар” дейишса (“Чайқовчи чопар” деб ўзгартириш вақти аллақачон келган), бир сакраб тушардим. Ҳозир “тижорат-воситачи” деган гап қулгимга чалингудек бўлса, уч-тўрт сакраб қўядиган бўлиб қолганман. Нархи чақади дейишди, йўқ чакмайди. Биратўла узиб қўяқолади. “Отчопар”да яхши, чайқовчилар бир жойда “улоқ” чопишади. Тижоратчилар-чи? Кўпайишиб, сочилишиб кетишган. Дуч келган жойга тўртта арматурани бир-бирига улаб, уя қурволишган азаматлар. Биттасини кузатиб турдим. Қўлидаги бир даста беш юзталикини қирқ марта санадиёв ўзиям. Санайди, атрофга мағрур боқади, санайди-мағрур боқади. Мени қараб турганимни сезди шекилли, чўнтагидан яна бир даста пул чиқарди. Менга ҳаваси келсин дегандирда ўзича.

Қайси бир куни оғайниларимдан биттаси гапириб қолди. Бечорани захар танг қилган экан, енгиллашадиган жой қидириб қолибди. Бир жойни биларкан, тўғри ўша ерга борибди. Қарасаки, мўъжизатина бинонинг “Ж” томонини “М” томонига қўшиб қўйишибди. Кириш-чиқиш



эшиги ҳам битта. “Ж” томонидаги “Ж”нинг ўрнига... “тижорат-воситачи дўкон” деган пешлавҳа осиб қўйилганмиш. Шўрлик заифалар биттагина эшикни кўришиб, дўконни бир айланган бўлишарканда, ноилож орқага қайтишаркан.

Тижорат ишлари билан шугулланувчиларни том маънода савобнинг тағига қолган одамлар дейиш мумкин. Ҳеч қидириб тополмаган нарсангизни марҳамат деб сизга узатиб турсалар ёмонми? Фақат тижорат билан чайқовнинг орасида катта фарқ бор. Бизнинг замонавий тижоратчиларимизнинг кўплари эса иккаловини ҳам битта қилиб қўйишди. Шуниси одамга алам қилади. Бу гапларимни ярим ҳазил, ярим чин қабилида ёздим. Бироқ, ростдан ҳам тижорат ишларини бундай тартибга солиб турадиган масъуллар, ёки ташкилот бордир, ахир. Фақат “доход”ни ўйламасдан, мундоқ тевааракка ҳам бир боқиб қўйишсин.

Соҳиб САТТОРОВ,
Тошкент жаҳон тиллари
дорилфунунининг
IV-курс толиби.

Автомотоҳаваскорлар учун МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил, 27 октябрдаги 339 Ф-сонли Фармойишига мувофиқ Давлат автомобил назориятида автоматотранспорт воситаларини қайд этиш, техник кўрикдан ўтказиш, тегишли ҳужжатлар, ҳайдовчилик гувоҳномалари ва бошқа хизматлар учун янги тўловлар миқдори тасдиқланди ва шу йил 10 ноябрдан эътиборан кучга киритилди. Буларни

БИЛИБ ҚЎЙИНГ, ЗАРАР ҚИЛМАЙДИ

Давлат номер белгилари бериш:

— автомобиллар учун — 300 сўм,

— “транзит” қозғондан тайёрланган — 50 сўм,

— мототранспорт воситалари, тиркама ва ярим тиркама учун — 200 сўм,

— мотороллёр учун — 150 сўм.

Эслатма: Йўқолган давлат номер белгилари ўрнига янгисини бериш учун тўловлар белгиланганидан икки барабар кўп миқдорда олинади.

Автоматотранспорт воситасини қайд этишда давлат номер белгиси ва техник паспорти сақланиб қолган бўлса, тўловларнинг 50 фоизи миқдориди олинади.

Социал таъминот органлари томонидан ногиронларга имтиёзли равишда бепул берилган транспорт воситаларига давлат номер белгилари учун тўлов олинмайди.

Техник паспорт (қайд этиш гувоҳномаси) бериш:

— автомобиллар учун — 300 сўм,

— мотоцикл ва мотороллёр учун — 200 сўм,

— техник талон учун — 50 сўм,

— қайд этиш гувоҳномаси учун — 300 сўм,

Йўқолган техник паспорт, қайд этиш гувоҳномаси, техник талонни қайта тиклаш учун тўловлар белгиланганидан икки барабар кўп миқдорда олинади.

Автоматотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш ёки ҳадя этиш шартномаси асосида қайд этиш:

— автотранспорт учун — 100 сўм,

— мототранспорт учун — 30 сўм.

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил, 16 сентябрь кунги 233-сонли қарорига асосан шу бандда кўрсатилган тўловнинг 30 фоизи ДАН ихтиёрига ўтказилади.

Автоматотранспорт воситаларини,

уларнинг қайта жиҳозланиши, рақам белгилари агрегатларнинг, рангининг, ёхуд эгасининг турар-жойи, сақлаш жойи ўзгариши ва бошқа сабаблар билан техник паспортга тегишли ўзгартиришлар киритиш:

— автомобиллар учун — 50 сўм,

— мототранспорт, тиркама, ярим тиркама учун — 25 сўм,

— рақам белгилари агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар тўғрисидаги маълумотномалар учун — 50 сўм.

Техник кўрикдан ўтказиш:

— енгил автомобиллар учун — 25 сўм,

— автобус ва юк автомобиллари учун — 50 сўм,

— мототранспорт воситалари, тиркама ва ярим тиркамалар учун — 20 сўм.

— чиқинди газ ҳолати ҳақидаги талон учун — 20 сўм,

— автоматотранспорт воситаларини қайта жиҳозлашга рухсатнома учун — 200 сўм.

ДАН ҳисобидан чиқариш:

— автомобиллар учун — 20 сўм,

— мототранспорт воситалари, тиркама ва ярим тиркама учун — 10 сўм,

— янги тузилган автоҳўжаликнинг транспорт воситаларини сақлаш жойини текшириб, далолатнома тузиш ва уларни қайд этиш учун — 1000 сўм.

Имтиҳон қабул қилиш ва ҳайдовчилик ҳужжатларини бериш:

— йўл ҳаракати қондаси бўйича — 25 сўм,

— ҳар бир қайта топширишда — 50 сўм,

— автоматотранспорт воситасини амалий бошқариш бўйича — 50 сўм,

— ҳар бир қайта топширишда — 100 сўм,

— ҳайдовчилик гувоҳномаси учун — 200 сўм,

— ҳайдовчилик гувоҳномаси талони учун — 50 сўм.

Йўқолган ҳайдовчилик гувоҳномасини ёки ҳайдовчилик гувоҳномасига талонни тиклаш:

— ҳайдовчилик гувоҳномаси учун — 400 сўм,

— талон учун — 200 сўм,

— ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш учун — 500 сўм,

— ўқишга рухсат бериш учун ташкилотни текшириб, далолатнома тузиш учун — 1000 сўм,

— чет элга боровчи фуқароларга легаллаштирилган ҳайдовчилик гувоҳномасини алмаштириб бериш учун — 2000 сўм.

ИИВ ДАН БОШҚАРМАСИ.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.

■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

■ Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбаачилик
концерни босмаҳонаси.

700083, Тошкент,

Ленинград

кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.